O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посбон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 127 — 130 (3204—3207) 1998 йил 23 октябрь, жума Баҳоси эркин нархда

# ЭСКОРТ ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИДА



1994 йил Тошкент шаҳар ИИББ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг йўл-патруль хизмати таркибида Ўзбекистон Республикасига бошқа давлатлардан ташриф буюрган юқори мартабали шахсларни кузатиб юрадиган бўлинма тузилди.

Эскортга қадди-басти келишган, жисмонан бақувват, мотоцикл ҳайдашни юқори даражада эгаллаган, моҳир ходимлар танлаб олинди.

Эскортнинг шахсий таркиби махсус буюртма бўйича Японияда ишлаб чиқарилган «Хонда» русумли мотоцикллар ва кийим-бошлар билан таъминланган. Қарийб беш йилдирки, бўлинма ходимлари мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонларни кутиб олиш ва кузатишда иштирок этмоқдалар.

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг яқинда мамлакатимизга расмий ташрифи давомида, унга шарқона меҳмондўстлик аньаналарини кўрсатиш билан бирга, фахрий эскорт яна бир марта шахсий таркибнинг юқори касб маҳоратига эга эканлигини намойиш этиб, Тошкент кўчалари бўйлаб кузатиб юрди. Эскортнинг юқори даражада моҳирлик, аниқ ва бир текисда ҳаракати Россия Президентининг эътиборини қозонди.

Борис Ельцин республикамиздан жўнаб кетар экан, фахрий эскортнинг намунали хизмати учун қизғин миннатдорчилик билдирди.

**Р. ҚОСИМОВ,**
**ИИВ ДАНББ катта инспектори, милиция майори.**



## МИННАТДОРЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси Б. Эшонов номидан мактуб келди.

Мактубда Германия, Чехия ва Словакия Конституциявий судлари делегацияларининг Ўзбекистонда бўлиши ва учрашувларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатилгани учун вазирлик раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдирилган.

## *Бу сонда:*

INTERNET XABARLARI

Ойнаи жаҳон дастурлари

ҚАЧОН КЕЛАСИЗ,



АЯЖОН!

КРИПТОГРАММА

Мунажжимлар башорати

*Ўқишингиз мумкин*

# УЛУҒ АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ

Мустақиллик бизга тарихимизни қайтариб берди. Мана, етти йилдирки, унутилган, унутилаёзган аждодларимиз — бобокалонларимиз руҳлари юртимиз узра чарх урмоқда. Улар қачонлардир тупроққа қорилган, эндиликда юзага чиқиб, халқимизнинг маънавий меросига айланган меҳнатларининг, шаън-шавкатлари ва ўзликларининг қадр-қиммат топганидан мамнун. Ана шундай бобокалонларимиздан бўлмиш Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йилликларини нишонлаш тўғрисида республикамиз Вазирлар Маҳкамаси қарорлар қабул қилди.

Бу қарорлар, хусусан, «Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарор буюк ватандошимиз, беназир салоҳият соҳиби ал-Фарғоний бобомизнинг XII асрдан буён Европада машҳур бўлган, лекин ўз она юртидагина унутилган илмий меросларига қайта жон бахш этди.

Бугунги кунгача сайқалланиб етиб келган урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва миллий меросларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ватанимиз мустақиллиги бизнинг олдимизга аллома боболар руҳини шод этиб, буюк тарихий ҳақиқатларни тиклаш учун ниҳоятда улкан истиқболлар очиб берди. Шу маънода Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний боболаримизнинг неча асрлар муқаддам битган асарлари, яратган кашфиётлари бугунги ва келажак авлодларимиз тафаккур оламига олтин қанот бўлади.

Улкан тарихимизнинг чанг босган зарварақларини мустақиллик шабботаси мусаффолади. Олам, бутун дунё аллақачон тан олган, фақат бизгагина «бегона» бўлган буюк боболаримиз — «Ҳадис» илмининг устози аввали Имом Бухорий ва араб мусулмон шарқида фалакиёт илмига асос солган «Мунажжимлар раиси» олий унвон эгаси Аҳмад ал-Фарғонийларнинг мамлакатимиз узра бугун ва эртага ЮНЕСКО иштирокида нишонланаётган тўйлари боболаримиз руҳи олдидаги узримиз, фарз қарзимизни адо этишимиздир.

Имом ал-Бухорий мусулмон мамлакатларида «Ҳадис» илмининг султони сифатида маълум ва машҳур. Ислом дунёсида Қуръони Каримдан кейинги мўътабар китоб саналган «ал Жомиъус-саҳийҳ» ёки «Саҳиҳул Бухорий» бобомизнинг қаламларига мансуб бўлиб, у кишининг шоҳидлик беришларича, асарни бир минг саксон кишидан эшитган ҳадислари асосида ёзганлар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Имом Бухорий дарс ўтганларида турли ўлка ва шаҳарлардан юзлаб талабалар ҳозир бўлганлар. Унинг шогирдлари олтмиш мингдан кўпроқ бўлган. Ислом олами Имом Бухорий асарларисиз шариат илмлари, айниқса, фиқҳ тафсир ва қалам илмлари бўйича ривожланиш мумкин эмаслигини англаб етган. Ислом оламидаги сиҳоҳи ситта (олтита саҳиҳ китоб) ичида Имом Бухорийнинг китоби биринчи ўринда эканлиги тан олинган.

Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз ҳам етук астроном, математик, географ, геодезист олим, сферик тригонометрия асосчиларидан биридир. Араб-мусулмон шарқида фалакиёт илмига асос солган ал-Фарғоний Қасюн расадхоналари қурилиши ва илмий кузатишларга раҳбарлик қилган. Қуёш ва ой тутилиши вақтларини ўлчаган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий-амалий мерослари беҳисоб. Унинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» XII асрда Европада лотин тилига икки марта, XIII асрда Европадаги бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Ва унинг лотинлаштирилган номи «Алфараганус» шаклида Ғарбда бир неча асрларгача Европа университетларида астрономия фанидан асосий дарслик бўлганлигини айтиш кифоя. Бу асар 1493 йилда биринчи марта лотин тилига таржима қилиниб, нашр этилган энг қадимги китобдир. 1669 йилда машҳур голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус уни янгитдан нашр қилгач, Фарғонийнинг шуҳрати яна ҳам ошди. Европа уйғониш даврининг буюк олими Регимонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларни ал-Фарғоний китобларидан ўқиган. Ал-Фарғонийнинг номини Данте (XV аср), Шиллер (XVIII аср) каби буюк шоирлар эслаган, Европа олимлари у кишининг асарларини юқори баҳолаган. Ал-Фарғонийнинг бизга саккизта асари маълум. Унинг қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж, Теҳрон, Рампур, Патна, Қоҳира каби шаҳарларда сақланмоқда. Ойдаги 20 км. лик йирик кратерлардан бирига европалик олимлар ўз даврида буюк ҳурмат ва эътироф рамзи сифатида Аҳмад ал-Фарғонийнинг номини берганлар.

Биз буюк бобокалонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Илло, фахрланиш туйғусига мустақиллик шарофати туфайли эришдик.

## ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати нозири, милиция старшинаси Х. Бозоров МХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда иштирок этди. «Чандир» ДАН масканида М. Шарипов бошқарувидаги «КамАЗ-5310» русумли юк машинаси текшириб кўрилганда унинг орқа кўприги ичига 33 кило опий ва 1 кило героин елим халтачаларга солиниб, беркитиб қўйилгани маълум бўлди. Шунингдек, А. Нодировга тегишли «ЗАЗ 968 М» русумли автомобиль орқа ўриндиғи пастки қисмидан 12 кило 150 грамм ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддаси олинди. Бу фуқароларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

**О. РОПИЕВ,**
**милиция лейтенанти.**

* * *

Қоровулбозор тумани ИИБ ЁСБ ўт ўчирувчиси Н. Зулфиддин «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фермасидан ҳар бири 50 минг сўмлик 2 та қорамолни ўғирлаб чиқади ва шериклари билан Зандони бозорида пуллайди. Ферма раҳбарлари йўқолган молларни ўз кучлари билан топа олмагач, Пешку тумани ИИБга мурожаат қилишади. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида Н.Зулфиддин ушланди ва 58 минг сўм пул далилий ашё сифатида олинди. Ўғирланган молларни сотиб олган кишилар ҳам аниқланди.

**У. ҒОФУРОВ,**
**милиция подполковниги.**

## ҲУР ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФУҚАРОСИМАН

Пахтакор тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмаси ходимлари ўз хизмат вазифаларини янги талаблар асосида бажара бориб, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш бобида муайян ишларни адо этдилар. Фуқароларни янги паспорт билан таъминлаш изчиллик билан давом эттириляпти. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида аҳолига уч мингга яқин янги паспорт берилди, эски турдагилари эса алмаштирилди. Шулардан 300 таси мустақил ҳаёт остонасида турган ёш ўсмир ва қизларга берилди.

Аҳолини паспорт билан таъминлаш, эскиларини алмаштириш жараёнида ҳуқуқбузарлик ҳолларига йўл қўймаслик, бундай ташвишли ҳолларнинг олдини олиш мақсадида, омма ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. Жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда Пахтакор шаҳридаги «Тошкент», «Дўстлик», «Самарқанд», «Олтинкўл» маҳаллаларида, шунингдек, А. Икромов номли, «Пахтакор», «Чаманзор» ва «Самарқанд» қишлоқ фуқаролари йиғинларида ўтказилган қизиқарли суҳбатлар, учрашувларда кўплаб саволларга жавоб қайтарилди. Айрим кишиларнинг бепарволиги оқибатида ҳал бўлмай келаётган баъзи бир масалалар зудликда ўз ечимини топди.

Бундай учрашувлар ўз самарасини кўрсатмай қолмади, албатта. Натижада жорий йилда янги паспортга эга бўлиш ниятидаги одамлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу, айни пайтда, кишиларда ҳуқуқий билимнинг шаклланаётганидан, мустақил Ватанимизнинг камарбаста фуқароси бўлишдан чексиз фахрланиши, ифтихор туйғуларининг ошаётганидан далолат беради.

Лекин бевосита ўзимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда баъзи кишиларнинг қонунга бепарволиги, гоҳида билибми-билмай қилган хатолари эвазига вужудга келган ачинарли ҳолларга ҳам дуч келиб турибмиз.

Пахтакор шаҳрининг С. Раҳимов кўчасидаги 14-уй 3-хонадонда яшовчи уй бекаси Матлуба Нарзиева ва «Чаманзор» қишлоғида истиқомат қилувчи Толиб Зияевлар шу кунгача рўйхатдан ўтмай яшаб келганлар. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддаси 1-қисмига асосан 375 сўмдан жаримага тортилди. Ҳозиргача бундай қоидабузарлик ҳолатининг олтмиштаси аниқланиб, айбдорларга маъмурий чоралар кўрилди.

Қонун қайси соҳага дахлдор бўлмасин, ҳар бир киши у билан жиддий ҳисоблашиши, унинг талабларини сўзсиз адо этиши лозим. Афсуски, баъзида чет эл фуқаролари ҳам паспорт соҳасига доир қонун-қоидаларга нисбатан нописанд муносабатда бўлмоқдалар. Мисол учун, Тожикистон Республикаси фуқароси Насриддин Абдулқосимов Пахтакор шаҳрининг С. Раҳимов кўчаси 24-уй, 1-хонадонида истиқомат қилувчи ўғлининг уйига меҳмон бўлиб келиб, ички ишлар идорасига маълум қилмаган ва рўйхатдан ўтмаган ҳолда қонунга хилоф равишда икки ойдан ортиқ вақт мобайнида яшаб келган. Ушбу қоидабузардан 4000 сўм миқдорида жарима ундирилиб, вилоят ҳудудидан чиқариб юборилди. Ички ишлар идорасидан яширинча, ижозатсиз ҳолда туман ҳудудида ноқонуний яшаб келган саккиз нафар Тожикистон фуқаросига ҳам тегишли чора кўрилди.

Қидирувдаги шахсларнинг фош этилиши ҳам кўпгина ҳолларда паспорт тизими орқали рўй беради. Хусусан, ўтган ойлар ичида нафақа тўламасдан қочиб юрган бир шахс аниқланиб, туман суди ихтиёрига топширилди. Бундан ташқари яна ўн уч нафар фуқаронинг муқаддам судланганлиги аниқланиб, уларга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Хуллас, туман ИИБ ХЧК ва ФБ ходимлари ўз хизмат бурчларини қонун талаблари асосида олиб бормоқдалар.

**И. САНАҚУЛОВ,**
**Жиззах вилояти Пахтакор тумани ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи,**
**милиция майори.**

*Навбатчилик қисми*

## БОЗОР ЯҚИНИДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБга «Сирғали» деҳқон бозори яқинида талончилик содир бўлгани ҳақида маълумот тушди.

Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб борганида икки номаълум шахс наманганлик Х. Асқаровни қўрқитиб, куч ишлатиш йўли билан «ВАЗ-2103» русумли автомашинаси ва 850 сўм пулини тортиб олишгани маълум бўлди. Дарҳол жиноятчиларни қидириб топиш чоралари кўрилди. Тезкор ҳаракатлар натижасида Зангиота тумани Охунбобоев кўчасида яшовчи С. Д. ҳамда пойтахтдаги хусусий фирмалардан бирида сартарош бўлиб ишлаётган Б. М. ушланди. Улардан далилий ашё сифатида олиб қўйилган автомашина техник соз ҳолда эгасига қайтарилди.

## ЎН КИЛО ТАНГА ОЛИНДИ

Фарғона шаҳри А. Қодирий кўчасида истиқомат қилувчи И. Мамедов тарихий қийматга эга бўлган 10 килограмм миқдордаги қадимги тангаларни қаердан олганини тушунтириб беришига тўғри келди.

Бу масала текширув ишлари ниҳоясига етгандан сўнг ойдинлашади. Ноёб тангалар И. Мамедовга тегишли «Tico» автомашинасини «3-разъезд» божхона масканида текшириб кўрилганда топилди. Улар экспертиза қилиш учун юборилди.

## БОЛА АНОР ЕМОҚЧИ ЭДИ...

Қўшкўпир тумани ИИБга энди ўн ёшга тўлган Й. А. ток уришдан вафот этганлиги тўғрисида хабар тушди.

Болакай қўшниси Б. Олимнинг боғига анор узиш учун кирган эди. У хонадон эгаси меваларни бегоналардан сақлаш мақсадида дарахтлар атрофига электр токи улаб қўйганини қаердан билсин. Ҳали анорларни узиб олишга улгурмай уни қаттиқ ток уриб, ҳаётдан кўз юмди. Б. Олим ушланди.

## АРОҚ ЎРНИДАГИ ОҒУ

Урганч шаҳар ИИБга Ўзбекистон кўчасидаги хонадонлардан биридаги кўнгилсиз воқеа ҳақида хабар тушиши билан тезкор гуруҳ тузилди.

Шу куни юқорида айтилган манзилда яшаётган З. Каримованинг хонадонига таниши Г. Аминова меҳмон бўлиб келади. Таомдан олдин мезбон ароқ келтириб қўяди. Ароқдан сўнг кутилмаганда меҳмон қаттиқ безовталаниб вафот этади.

Унинг ичкиликдан заҳарланганини фаҳмлаган З. Каримова милицияга хабар беришдан бошқа чора топа олмади. Терговни прокуратура олиб бораяпти.

## БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Нукус шаҳри Коспулатов кўчасида яшовчи нафақадор Ж. Ниғматуллаева бепарволик қурбони бўлди.

Гап шундаки, хонадондаги табиий газ қурилмаларидан ҳид чиқаётгани ва бунинг олдини олиш зарурлигини ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Натижада Ж. Ниғматуллаева ва унинг икки набираси табиий газдан заҳарланишди. Хайрият, қизалоқлар зудлик билан касалхонага жўнатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Онахон эса бевақт ҳаётдан кўз юмди. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

## ГИЁҲФУРУШ УШЛАНДИ

Гулистон шаҳрида милиция ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилганда гиёҳфурушлик билан шуғулланаётган С. З. ушланди. Бу фуқаро тошкентлик А. Трофимовга бир килограмм нашага ўхшаш гиёҳвандлик моддасини сотаётганда қўлга тушди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда 250 грамм наша топилди. Тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

## СОҚЧИНИНГ ҚОТИЛИ ТОПИЛДИ

Навоий шаҳрида Навоий машина қурилиши заводида ўғирлик содир бўлди.

Навбатчилик қисмига тушган хабар бўйича воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ аъзолари хорижда ишлаб чиқарилган 3 турдаги видео-аудио техникалари ўғирлаб кетилгани ҳамда қотиллик содир этилганлигининг гувоҳи бўлишди. Кўрилган чоралар натижасида Навоий кўчаси, 3-В уй, 26-хонадонда яшовчи, юқорида айтилган завод ишчиси А. Е. аниқланиб ушланди. Тергов давом этаяпти.

**(Ўзбекистон Республикаси ИИВ тезкор маълумотномасидан).**

# МАКТАБЛАРДА МАШҒУЛОТЛАР

Ёнғинни ўт балоси, офат дея атаймиз. Буни изоҳлашнинг ҳожати йўқ, албатта. Рўй берадиган барча кўнгилсиз воқеаларга ўзимиз сабабчи бўламиз. Айниқса, болаларни эътиборсиз қолдириш натижасида содир бўлаётган ёнғинларни эслатиб ўтиш жоиз.

Фарзандларимизнинг шўхликлари туфайли нафақат хонадонларда, шунингдек, мактаб ва мактабгача бўлган тарбия масканларида ёнғинлар содир бўляпти. Ўтган йили Тошкент шаҳридаги мактаб ва мактабгача тарбия масканларида 24 та ёнғин содир бўлган эди. Бу йил ўтган даврда 17 та ёнғин қайд этилди. Тарбия масканларида ёнғин содир бўлишига, асосан, болалар сабабчи, албатта. Улар қилаётган ишларининг охир-оқибатига тушуниб етмайдилар.

Умуман, нафақат тарбия масканларида уйларда ҳам кўпроқ болалар шўхлиги туфайли ёнғин келиб чиқяпти. Уларни эътиборсиз қолдириш натижасида гугурт ўйнайдилар, иситиш мосламаларини бураб кўрадилар, ёниб турган печларнинг оғзини очиб, оловни қизиқиб томоша қиладилар. Буларнинг барчаси хунук воқеаларга олиб келади.

Шу боис ҳам ёнғин назорати ходимлари мактаб, болалар боғчаларида бўлиб, ўқувчилар, тарбияланувчилар билан ёнғин офати тўғрисида суҳбатлар ўтказиб туришибди. Айниқса, мактабларда ўтказилаётган амалий тадбирлар, яхши самара беряпти. Юқори синф ўқувчиларидан иборат ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тузилган. Дружина аъзолари ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари иштирокида ёнғин содир бўлганда нималарга эътибор бериш, биринчи галда амалга ошириладиган вазифалар ва шу каби машғулотлар билан шуғулланишади.

**Ф. САЪДУЛЛАЕВА.**

**Суратларда: ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ёш ўт ўчирувчилар билан машғулотлар ўтказишмоқда.**





## БОЛАЛАР ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

Пешин маҳали. Ҳамманинг нигоҳи шошилинч, пишқириб келаётган ўт ўчириш машиналарида. Машиналар айтилган манзилга келганда Чилонзор туманининг 10-даҳасидаги 9-уй 55-хонадони деразасидан ташқарига бурқсиб тутун чиқаётган эди. Ўт ўчириш ходимлари махсус нарвонли машинада ёнғин чиқаётган хонадонга кўтарилишганда хона тутунга тўлган ва болакайлар йиғиси эшитилаётганди. Ўч ўчириш ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли ёнғин жадалланишига йўл қўйилмади ва қисқа дақиқаларда бартараф этилди. Хона ичида қолган 6 ёшли Дониёр ва 4 ёшли Зиёд қутқариб қолинди.

Болакайларни қутқариб қолишда ва ёнғинни бартараф этишда 8-ҲЁСҚ ходимлари, ички хизмат лейтенанти Ш. Баҳромов, ички хизмат катта сержанти З. Ибрагимов ва ички хизмат сержанти М. Қобуловларнинг маҳоратларини ва ўз хизмат бурчларига сидқидилдан ёндошганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу азаматлар Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан муносиб тақдирландилар.

**Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ходими.**

# ЎТ — АЛАНГА ОЛМАСИН

Халқимизда: «Олов — дўст, олов — душман», деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса беминнат хизмат қилади, агар озгина тизгиндан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, кулфатларга сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ёнғинни олдини олиш ҳозирги кунда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланиб келмоқда.

Вилоят ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, саноат корхоналарида, аҳоли турар жойларида ёнғин офатини олдини олиш учун самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Ёнғинни олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиб, барча саноат корхоналари махсус ўт ўчиришга мўлжалланган асбоблар билан таъминланган. Ёнғиндан сақлаш назорати ходимлари томонидан чиқарилаётган йўриқнома ва ёзма кўрсатмаларда ҳам ёнғиндан сақлаш қонун-қоидалари баён этилган.

Аммо шунга қарамай ёнғинлар сони камаймаётганлиги кишини ташвишга солади. Энг мудҳиши, бу офат асосан турар жойларда ва хонадонларда содир бўлмоқда.

Тўққиз ой мобайнида вилоятда 1646та ёнғин содир бўлган, кўрилган моддий зарар эса бир неча юз минг сўмдан ортиқ. Ёнғин оқибатида 22 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, 130 нафар фуқаро эса тан жароҳати олган.

Болаларнинг шўхликлари туфайли содир бўлган ёнғинлар 31,2 фоизни ташкил этади. Печка ва газ қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлган ёнғинлар 16,3 фоизни, электр ускуналарининг носозлиги туфайли содир бўлган ёнғинлар 29,5 фоизни, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида рўй берган ёнғинлар 20,1 фоизни ташкил этади.

Эҳтиётсизлик, лоқайдлик ва бепарволик ёнғин содир бўлишида асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлиги кишини ташвишга солади.

Паркент туманида «Дилшод» хусусий фермер хўжалиги аъзоси У.Баҳодир иш жойида электр пайвандлаш ишларини олиб бораётган пайтда эҳтиётсизлиги туфайли ёнғин содир бўлиб, 14 бош қорамол нобуд бўлган.

Ангрен шаҳар Вокзальная кўчаси 132-уйда яшовчи боланинг олов билан ўйнаши туфайли ёнғин содир бўлиб, хонадонга 50.000 сўмлик моддий зарар етган.

Оҳангарон шаҳар Т.Юсупов кўчаси 33-уйда электр симларини нотўғри уланиши натижасида ёнғин содир бўлган ва катта миқдорда зарар кўрилган.

Ҳадемай олтин куз ортда қолиб, совуқ кунлар бошланади. Шунинг учун ҳам вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси: иситиш мосламалари ва газ асбобларидан тўғри фойдаланишни, кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун иситиш асбобларини яна бир бор кўздан кечириб чиқишни, улардан тўғри фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш керак эканлигини яна бир бор эслатади. Зеро ёнғинни олдини олиш барча инсонларнинг муқаддас бурчидир.

Қарияларимизнинг ҳар тонг «Қадам етди — бало етмасин, ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра», — дея қилган дуолари доимо ижобат бўлсин.

**Мақсуда СУЛТОНОВА.**

*Ажаб ҳангомалар*

# «...УЙИМ ЁНИБ БИТИБДИ» ЁКИ «ТУШУНТИРИШ ХАТИ»

**Акромжон Охунжонов — милиция подполковниги, Андижон вилояти ИИБ Тергов бошқармасида хизмат қилади. Шу билан бирга адабиёт ошуфтаси, юморни севади. Мана шу хислатлари туфайлими, у бошига тушган унча-мунча «ҳаёт ташвишлари»ни халқимиз айтганидек, «орқасига ташлайди».**

**Яқинда Акромжон таҳририятимизда меҳмон бўлиб, хизмат фаолияти давомида дуч келган айрим ҳангоманамо воқеаларни айтиб берди. Биз шу воқеалардан бирини қаҳрамонларининг исмшарифларини ўзгартирган ҳолда ёзиб, сиз, азизларга ҳавола қиляпмиз.**

...Ички ишлар идораларида хизмат қилишдан олдин туманда Ёнғинга қарши кураш бўлимида хизмат қилганман. Туманимиз катта, аҳоли кўп. Унда-бунда ёнғин бўлиб туради. Бирга ишлайдиган Олимжон исмли йигит ёнғин чиққан хонадонда ишимиз тугагач, уй эгасидан «Тушунтириш хати» ёздиради. Ёздириб келган «Тушунтириш хати»ни ўқиб, жиғибийрон бўламан. Чунки у доимо «Мен, фалончиев пистончи, фалон куни уйимга ўт тушди»га ўхшаш, бир қолипда бўлади.

Охири бир куни:

— Олимжон, — дедим. — Барака топгур, шу «хат»ни сал жонлироқ — қачон, қандай қилиб, электр симиданми, печкаданми, ўчоқданми, нима сабабдан ёнғин чиққани, уни ўчиришга ҳаракат қилдими-йўқми — ҳаммасини батафсил ёздириб олинг, — дедим.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Ноябрь ойининг ўрталари, кун анча совуқ. Бир қишлоқда, бировнинг хонадонига ўт тушди. Бизга маълумот жуда кеч келгани учун ёрдамга борганимизда уй деярли ёниб битган эди. Уй эгасидан Олимжон воқеа тафсилотини батафсил ёздириб олибди. Уни ўқиб... Яхшиси, ўзингиз ўқиб қўяқолинг.

«Ҳурматли бошлиқ!

Бугун, 198... йилнинг ноябри, пайшанба куни бўлгани учун ишдан уйга келсам, хотиним ош қилган экан. Ошни едик. Фотиҳа қилиб бўлгач, хотиним дастурхонни йиғиб олди. У болаларни ухлатиб, уй юмушларини қилиб бўлгач, ётдик... Чарчаб, қаттиқ ухлаб қолган эканман. Бир пайт елкамга муздек нарса тегди — чўчиб уйғониб кетдим. Қарасам ёнимда ётган хотиним секин елкамдан ушлаб, силкитаётган экан. Совуқ эмасми, қўли муздек бўп қопти...

— Ҳа, — дедим, — нимага туртяпсан?

— Туринг, — деди хотиним, — куйинди ҳиди келяпти.

Ўрнимдан туриб, ташқари чиқиб нарироққа бориб қарасам, томнинг тепасидан тутун чиқяпти!

— Хотин, — дедим, — том ёняпти. Томга темир шотини тираб қўйдим. Хотиним иккита катта пақир тўла сув олиб келди. Мен улардан бирини кўтариб, томга чиқмоқчи бўлдим. Яланг оёқ эдим, оёғим тойиб, йиқилиб тушдим. Яна бир пақир сувни олиб чиқиб кетаётсам, шоти сурилиб кетиб, сув тўла пақир билан яна йиқилдим.

— Хотин, — дедим. — ўт ўчирувчиларни чақирмасак бўлмайди.

Хотиним иккаламиз амаллаб мотоциклни юргиздик. Уни миниб, мактабга бордим. Қоровул ухлаб ётган экан. Анча тақиллатдим. Ва, ниҳоят уйғонди.

— Амаки, уйимга ўт тушди, ўт ўчирувчиларни чақирмоқчийдим, телефон керак, — дедим.

— Бе, чатоқ бўпти-ю. Локигин, телефон йўқ, болам, — деди қоровул. — Бор-у, ишламаётганига уч-тўрт ой бўлиб қолди.

Мотоциклни ўт олдиролмадим, етаклаб кетавердим. Икки-уч километр нарида МТС бор, ўшанга етиб бордим. Қоровули бомдод номозини ўқиб ўтирган экан. Номози тугагунча, кутиб ўтирдим. Кейин саломалик қилиб, ҳол-аҳвол сўрагач, уйимга ўт тушганини, телефон кераклигини айтдим. У ерда ҳам телефон ишламас экан. Мотоциклни етаклаб, омонат кассага етиб бордим. Қоровули бир ўрис опай экан. Ўрисчани билмаганимдан, уйим ёняпти, телефон керак, деб тушунтиролмадим. Аёл сержаҳлгина экан, сира гап уқтириб, остона ҳатлай олмадим. Охири, яна мотоциклни етаклаб, туман марказидаги касалхонага бордим. У ердаги навбатчи татар аёл экан, дарров ўт ўчирувчиларни чақириб берди. Улар йўл-йўлакай мени ҳам машиналарига чиқариб, мотоциклни касалхона қоровулида қолдиринг, дедилар, қолдирдим. Бу пайтда тонг отиб, болалар мактабга кетадиган вақт бўлиб қолганди. Амаллаб, уйга етиб келсак, уйим ёниб, кулга айланибди. Бўлган воқеа — шу» деб ёзилган экан.

«Тушунтириш хати»ни ёзган одам, қарангки, қишлоқ мактабининг тил-адабиёт ўқитувчиси эмиш...

Хотирани оққа кўчирувчи

**Шаҳзодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

*Ўсмир ва жамият*

# ҲАЛОЛ КУРАШ, ҒИРРОМ НАТИЖА

## бир инсоннинг ўлимига олиб келди

**Мактабда катта танаффус. Уч ой ёз таътилда бўлиб, бир-бирини соғинган ўқувчиларнинг қийчуви авжида. Мактабга илк бор қадам қўйган болакайлар ҳам ҳеч кимдан ётсирамайди. Чунки бу ерда ҳамма бир-бирини яхши билади: улар бир қишлоқнинг болалари.**

**Мана, ўқиш бошланганига бир ҳафта бўлдики, 9-синфда ўқийдиган Иноятилло шу йил 1-синфга қадам қўйган укаси Кароматиллонинг зўрлиги-ю, муштлашишга уста, полвонлигини дўстларига мақтаб, тугатолмайди. У катта танаффусда укасининг зўрлигини амалда кўрсатмоқчи бўлди — мактаб ҳовлисида Кароматиллони синфдоши Жонибек билан курашга туширди. Кўпчиликнинг қийчуви остида ўтган бу қисқа курашда Жонибек Кароматиллодан зўр чиқиб, енгди.**

**Охири фожиа билан тугаган можаро мана шундан бошланди.**

Мақтаган укасининг курашда енгилиб, кўпчилик олдида изза қилгани Иноятиллога алам қилди. У укасидан зўр чиққан Жонибекнинг юзига бир тарсаки уриб, бошидаги дўпписини юлиб олди-ю, оёқлари остига ташлаб, тепкилади.

Қўнғироқ чалиниб, ҳамма синфга кирди.

Жонибекка ҳам алам қилди: бўлмаса-чи, ҳалол курашда ғолиб чиқсин-да, яна рақибининг акасидан калтак есин. У дарсдан келгач, отаси Нусратилло Тошевга воқеани йиғламсираб айтиб берди.

— Шошма ўғлим, эртага ўзим мактабга бориб, Иноятиллонинг таъзирини бераман, — дея ваъда берди ота.

Эртасига Н. Тошев қўлига болтанинг сопини олганича, қасд билан ўғли ўқийдиган Ўроқ қишлоғидаги Огаҳий номли 48-мактабга борди. Иноятилло Набиев ўқийдиган 9-синфда Ҳ. Худойдодов дарс ўтаётган экан. Н. Тошев эшик тақиллашидан дарсни бўлиб чиққан Ҳ. Худойдодов билан салом-алик қилгач:

— Менга Иноятилло Набиевни чақириб беринг, — деди.

— Нима қиласиз?

— Кеча ўғлимнинг дўпписини бошидан тортиб олиб, тепкилабди. Бир гаплашиб қўяй...

Бу гап устига ўқитувчи Тилло Назаров келиб қолди ва Иноятиллони бажонидил чақириб, қаҳрга тўлиб турган Н. Тошевга рўпара қилди. Н. Тошев «сўкинганича», Иноятиллонинг қўлига болта сопи билан қарсиллатиб туширди. Иноятилло қочиб, синфга кириб кетди, Н. Тошев эса унинг орқасидан кирмоқчи бўлганда йўлини тўсган ўқитувчиларни болохонадор қилиб сўкканича, чиқиб кетди.

Бола дарсда ўтира олмади, унинг бояги болта сопи зарбидан қўли шишиб кетганди.

Иноятилло ҳам ўз навбатида уйига боргач, отаси Рўзиқул Набиевга бўлган воқеани айтиб, шишиб кетган қўлини кўрсатди. Ўғлининг аҳволини кўрган Р. Набиев мактабга келиб, Т. Назаровга учрашди ва воқеа тафсилотини сўриштирди. Билгач, Т. Назаровга:

— Ака, Нусрат Тошев (Жонибекнинг отаси) менинг нафсониятимга кўп тегяпти. Анави куни ўғлимни ҳақорат қилган эди, мана энди урибди, — дея арз-дод қилди.

— Ука, Н. Тошев ўқитувчиларни ҳам ҳақорат қилди. Сиз уйга бориб, ўғлингизни докторга кўрсатинг. Мен унинг бу қилмишини маҳалла қўмитасига айтаман, муҳокама қилади, — деди Т. Назаров.

Р. Набиев гўё таскин топгандек, уйига кетди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, соат 10.30 ларда иккита ёш боланинг беғараз кураши туфайли бошланган катталарнинг можароси — Нусратилло ва Хайрулло Тошев, Рўзиқул ва Холмирза Набиев, Аҳмад ва Собир Қурбоновлар ўртасидаги катта жанжал муштлашувга айланди. Улар бир-бирларини аямай уриб, тепкилашди, қонга белашди. Уларни ажратиб, тартибга чақириши лозим бўлган қўни-қўшнилар бу ур-сурга томошабин бўлдилар.

... Жонибекнинг бобоси, Нусратилло ва Хайрулло Тошевларнинг отаси — Ҳамроқул Тошев тонг саҳарлаб тоққа чиқиб кетганди. У тоғдаги боғлардан хабар олиб тушди ва ур-йиқитнинг устидан чиқиб қолди. Қарасаки, тўрт киши ўзининг икки ўғли билан жиққамушт бўлиб ётишибди. У ҳам муштлашувга аралашиб кетди. Ва уйига кириб, ноқонуний сақлаб юрган ов милтиғини олиб чиқди. Ғазаб билан «мана сенга!» деб Рўзиқул Набиевга қаратиб бир марта ўқ узди. Тоғда ўсган мерганнинг милтиғидаги сочма ўқнинг асосий қисми Рўзиқулнинг кўксига жо бўлиб, шу заҳотиёқ жонидан жудо қилди. Сачраганлари эса Хайрулло ва Иноятилло Набиев ҳамда Собир Қурбоновларга тегиб, жароҳатлади...

Бобо-бувиларимиз «ёш болаларнинг орасига тушманглар, улар — бола, ҳозир уришиб, бирпасдан кейин яна ярашиб, бирга ўйнайверади. Сизлар эса ўртага тушиб, бир-бирларинг билан юз қора бўлганларинг қолади», дея бекорга панд-насиҳат қилмайдилар. Чунки болаларнинг шамолдек ўзгарувчан феъл-атворига қараб иш тутиладиган бўлса, катталарга тўзим етмайди.

Бўлиб ўтган воқеани таҳлил қилар эканмиз, биринчи синф ўқувчилари ўртасидаги ҳалол курашга ғирромлик қилган, 9-синф ўқувчиси Иноятиллонинг калтабинларча қилган хатти-ҳаракати бир инсоннинг умр шаъми бевақт сўнишига, яна бошқасининг умри қамоқда, афсус-надоматлар билан ўтишига замин бўлганини кўрамиз. Жаҳл отига миниб, қўлига болта сопини кўтариб келган одамни яхши гапириб, жаҳлдан тушириш ўрнига унга ўқувчисини чақириб берган Тилло Назаровнинг. қилмишини қандай баҳолаш керак? Наҳотки киши руҳининг муҳандиси бўлган олий маълумотли педагог қаршисида таёқ кўтариб, ғазабдан қалтираб турган одамнинг ҳозир бир катта фожиани келтириб чиқаришига ақли етмаса? Бу аҳволда у ўқувчиларига ахлоқ-одоб, дўстлик, самимийлик — маънавий гўзалликдан қандай сабоқ беради? Болаларга тарбия берувчи педагог, аввало, ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур эмасми? Лекин Т. Назаровга учраб, воқеа тафсилотини сўраган Рўзиқул Набиевга «Нусрат Тошев ўқитувчиларга ҳам тегажоғлик қиляпти...» дейиши уни Н. Тошевга қарши гиж-гижлашини, оловга мой сепишдан бошқа нима деб баҳолаш мумкин?

Бундан ташқари, Огаҳий номли 48-мактаб педагогик жамоаси тарбиявий ишларга совуққонлик билан қараб, танаффусларда ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Натижада ўқувчилар кўнгиллари тусаган ишни қилаверишга одатланганлар. Шунингдек, юқоридаги аҳволдан мактабда одобнома, ҳуқуқ дарслари қай тарзда ўтилишини тушуниш қийин эмас...

Участка вакили милиция катта лейтенанти Зокир Хушвақтов Узун туман ИИБ бошлиғининг буйруғи билан ушбу ҳудудга 1 июль 1998 йилда тайинланган. Унинг хизмат ҳудуди туман марказидан жуда узоқда. Жиноят содир бўлган Ўроқ қишлоғигача Хондиҳа жамоа хўжалиги орқали от ёки эшакда 18 соатда, Тўпаланг дарёсининг бошидан ўтиб борилса, 12 соатда етиш мумкин. У қишлоққа ҳеч қандай транспорт воситаси бормайди, фақат от, эшакда ёки пиёда борилади, холос. Шундай бўлса-да З. Хушвақтов ўзига биркитилган ҳудуддаги 25 тача қишлоқларда бўлиб, аҳоли орасида ноқонуний қурол сақлаш ва унинг оқибатлари ҳақида суҳбат ҳамда тушунтириш ишлари ўтказишга улгурган. Урок қишлоғида ҳам, уйма-уй текшириш ишлари ўтказиб, фуқароларнинг қўлида ноқонуний равишда сақланаётган қуролларни топшириш борасида йиғилиш ўтказган. Фуқаролардан ноқонуний қурол сақламаслик ҳақида тилхат ҳам олган. Худди шундай тилхатни олий маълумотли педагог, бир неча йиллар мактабда болаларга таълим-тарбия берган Ҳамроқул Тошев ҳам ўз қўли билан ёзиб берганди. Мана ўша тилхат: «Мен Тошев Ҳамроқул бераман ушбу тилхатни қуйидаги мазмунданким, Ўроқ қишлоғида ўтказилган маҳалла участка вакили йиғинида тўлиқ қатнашдим, ўқитувчи бўлиб ишлаганман, менинг уйимда ҳеч қандай қурол йўқ. Агар қуролим бўлиб, яширсам, қонун олдида жавоб бераман. Менга бу ҳақда участкавой тушунтирди деб имзо Тошев Ҳ. 10 июль 1998 й.».

Кўриниб турибдики, Ҳамроқул Тошев ҳам қонунга унча тушунавермайдиган оми одам эмас, ҳозир нафақада эса-да, олий маълумотли педагог. Педагогки ёлғон гапириб, бор қуролни «йўқ» деб тилхат ёзиб турса, жиққамушт бўлаётганларни яхши гапириб яраштириш ўрнига қўлига қурол олиб, инсонга қарата ўқ узса, бундай педагогдан таълим олган ўқувчилардан, унинг фарзандларидан нималарни кутиш мумкин?

Маҳалла қўмитасининг раиси А. Шарипов жанжалда иштирок этганларга ижобий тавсифнома берган. Аҳоли билан ўтказилган суҳбатда эса уларнинг акси бўлиб чиқди. Ҳамишлоқлари фуқаро Ҳ. Тошевни жуда сержаҳл, уришқоқ ва қасоскор шахс сифатида таърифладилар. Лекин унинг бу салбий хусусиятлари ҳақида унга ҳеч ким оғиз очиб гапирмаган, бирор марта муҳокама қилиб, чора кўриш учун участка вакилига хабар қилмаган. Таажжубланарлиси, Ҳамроқул Тошевнинг милтиғи борлигини, уни ўзи билан доимий равишда олиб юришини қишлоқ аҳли, маҳалла қўмитасининг раиси А. Шариповлар яхши билишарди. Бироқ участка вакили З. Хушвақтов ноқонуний қурол сақламаслик ҳақида йиғилиш ўтказиб, уйма-уй юриб, текширганда бу ҳақда ҳеч ким хабар бермаган.

Икки ёш бола ўртасидаги ўйин туфайли бутун бир қишлоқ аҳли алғов-далғов, кирчиллама қирқ ёшдаги бир инсон бевақт хазон бўлди, унинг оиласи боқувчисиз, олти фарзанди отасиз қолишди. Нима учун? Булар барчаси маънавий қашшоқлик ва лоқайдлик туфайли эмасми?

**Олтинбек АКИМОВ,**
**ИИБ ЖООБ катта инспектори, милиция капитани.**
**Лазизбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**МБМ тингловчиси.**

## БЕЗОРИЛИК АНЖОМЛАРИ МУЗЕЙИ

Европада безорилик анжомлари музейи илк бор Венгрия пойтахтида очилди. Бу жойдан кейинги йилларда полициячилар томонидан тадбирлар пайтида олиб қўйилган қўлбола ўқотар қуроллар, пичоқлар ва бошқа анжомларнинг катта тўплами ўрин олди.

Мазкур бинода, шунингдек, Венгрия полицияси тарихи музейи ҳам жойлашиши кўзда тутилган. Хоналарга Венгрия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчиликка қарши кураши ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар қўйилади.

## МАГИСТР СУДГА ТОПШИРИЛДИ

Собиқ магистр П-2 Личо Желли Франциядан Италияга жўнатилди. Италия адолатли суди томонидан бир неча жиноятларда иштирок этишда гумон қилинган бу фуқаро 12 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. У уй қамоғидан қочиб, тўрт ой давомида бировнинг исм-шарифи билан Францияда яшириниб юрди.

Сентябрь ойида полициячилар қочоқни қўлга туширишга муваффақ бўлишди. Желлининг саломатлиги ёмонлиги учун аввал Ницца, кейинчалик эса Марсель қамоқхоналари госпиталида ушлаб турилди. Франция суди қарори билан яқинда полициячилар уни италиялик ҳамкасбларига топширишди.

## INTERNET XABARLARI

## ҚОТИЛ ФИЛЛАР

Кения вилоятидаги Рифт-Валли қишлоғида ўрмончилар деҳқонлар даласига ёпирилаётган филларни қайтармоқчи бўлишганда фожиа рўй берди.

Уч нафар ўрмон қоровули ер эгаларининг илтимосига кўра жўхори ва чой етиштирилаётган майдонларни қўриқлаб юришарди. Шу пайт ўзларига яқинлашаётган ўнга яқин баҳайбат ҳайвонларни кўриб қолишди.

Ўрмон ичига беркинишнинг иложи бўлмади. Пишиб етилган ҳосилни аёвсиз равишда тепкилаб, пайҳон қилишга ўрганган филлар қутуриб, одамларни овлай бошладилар. Узоқ вақт қоровулларни қувиб юриб охири етиб олишди ва... бир киши шу ернинг ўзида вафот этди, бошқаси эса қаттиқ жароҳат олиб, шифохонага ётқизилди.

Деҳқонлар қотил филларни жазолашни фақат Яратган тангридан илтижо қилмоқдалар. Чунки Кенияда ёввойи ҳайвонларни овлаш қонун йўли билан тақиқлаб қўйилган.

## «ЭГИЗАК» ПОРТЛАШЛАР

Кения ва Танзания пойтахтларида террорчилар томонидан бир кунда уюштирилган «эгизак» портлаш сабабларини ўрганиш давом этаяпти.

Асосий гумондор — портлаш содир этилган пайтда ҳибсга олинган ва Кения ҳукуматига топширилган Муҳаммад Содиқ Одех ҳозирги пайтда Манхэттидаги Эм-си-си қамоқхонасида сақланмоқда. Федерал терговс бюроси агентлари ва маҳаллий полициячилар портлатиш қурилмаси қандай тайёрлангани ва қай йўсинда объектга келтирилганини аниқлашди.

Терговчилар ушбу террорчилик ҳаракатида камида тўрт киши иштирок этганини айтишмоқда.

Шу кунларда Муҳаммад Рашид Довуд ҳам қўлга олинди. Сўроқ пайтида у бир шериги билан портлатиш қурилмалари ортилган автофургонни АҚШ элчихонаси биноси олдига қайдаб келгани, портлашдан 10 сония олдин қўшимча ўтиш жойида турган қоровуллар томонга граната улоқтирганини айтиб берди.

Федерал терговс бюроси қидирув ишларини давом эттираяпти.

## «БУҚАЛАМУН» САМАРАСИ

Америка ва Мексика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тадбир чоғида ноёб жониворларни ноқонуний савдо қилаётган кимса ушланди.

Кенг Лианг Вонг илк бор 1992 йил Флоридага тошбақа, игуан ва калтакесак келтиргани учун полициячилар эътиборига тушган эди. Уч йил давомида Америка Қўшма Штатлари Балиқ захиралари ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш Хизмати агентлари уни қувғинга олишди. Ҳатто шу мақсадда «Пак Рим импорт-экспорт» фирмаси тузилди.

1996 йил ноябрь ойидан «Буқаламун» деб шартли номланган тадбир доирасида мазкур фирма Вонг компанияси ҳисоб рақамига 50 минг АҚШ доллари ўтказди. Бу пулларга тижоратчи Америкада кам учрайдиган илон, тошбақа ва йирик калтакесакларни жўнатди.

Вонг Мехико аэропортида ҳибсга олинди. Бир вақтнинг ўзида унинг яна икки шериги ушланди. Улар 1996 йил бошидан шу йил 15 августгача малайзиялик тижоратчи раҳнамолигида қиймати ярим миллион АҚШ доллари бўлган 300дан ортиқ жониворларни контрабанда йўли билан олиб ўтганликда айбландилар.

# INTERNET XABARLARI

## ОТА-ОНАСИНИ ҚУРБОН ҚИЛДИ

Серкўёш Флорида шаҳрида яшовчи бир гўзал қиз вампирликкка мойиллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини бир умр эслаб юрса керак. Чунки бу нарса ота-онасининг ўлимига олиб келди.

Хифер Вендорф қотилликда иштирок этмаган бўлса-да, фожиа айнан унинг айби билан рўй берди. Қонхўрлар гуруҳига қўшилиб қолган қиз ота-онасини алдов йўли билан улар қўлига топширди. Бегуноҳ икки инсон бўғизланиб, қонига бўялган ҳолда «зулмат қироли»га қурбонлик қилинди...

Яқинда Орлеанда якунланган суд жараёнида ушбу гуруҳнинг бир нечта аъзоси 10 йилдан озодликдан маҳрум этилди.

## ОСТАП БЕНДЕРЧАСИГА ТАЛОНЧИЛИК

Буюк комбинатор Остап Бендер Пятигорскдаги жарликни таъмирлаш баҳонасида фирибгарлик йўли билан одамлардан пул ундирган кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ялтадаги «Бизон» сайёҳлик фирмаси ҳам ана шундай йўл тутди.

Бу йилги курорт мавсуми бошланганда «Қалдирғоч уяси»ни кўздан кечириб, сўқмоқларни қайта созлаш учун тўлов ташкил этилди. Мазкур архитектура ёдгорлиги ўрнатилган қояга чиқиш учун уч гривен (1,5 АҚШ долларига яқин) тўланиши белгиланди. Табиийки, бу кўпчилик сайёҳларда норозилик туғдирди.

Ялта шаҳри раҳбарлари тушаётган шикоятларни инобатга олиб бундай хатти-ҳаракатга чек қўйди.

## МАИШАТХОНА ФОШ ЭТИЛДИ

Нью-Жерсида полициячилар аҳоли турар жойларидан биридаги маишатхонага бостириб кириб, беш нафар аёл (тўрт фоҳиша ва қўшмачи Жулит Келли Демпси) ҳамда ўн беш эркакни ҳибсга олди.

Қамалган мижозларнинг аксарияти Моррис-Тауншипда жойлашган корпорациянинг менежерларидир. Қўлга тушган енгил табиатли аёллар кўрсатган «хизматлари» учун улардан ҳар соатига 225 АҚШ доллари олишгани маълум бўлди.

«Бу ажойиб турар жой даҳаларидан бирида яхши ташкил этилган, катта фойда келтирувчи корхона эди», дея таърифлади графлик прокурор Моррис Жон Дэнглер.

*Учрашув*

## ИЖОДИЙ РУҲДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ мажлислар залида «Жаҳон адабиёти» журналининг муҳаррири, филология фанлари доктори, профессор Озод Шарофиддинов ва муҳаррир ўринбосари, шоир Мирпўлат Мирзо билан билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг тўққиз йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов олиб борди.

Меҳмонлар ўзлари раҳбарлик қилаётган жамоа томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўзбек тилини ўрганиш бўйича ҳозирги аҳвол ҳақида сўзлаб, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Маърифат дарси*

## ҲАР ПАЙШАНБА — ДАВЛАТ ТИЛИДА

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарси ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги тўғрисидаги қонун қабул қилинганлигининг 9 йиллигига бағишланди. Унда Бердақ номидаги Давлат университети чет тили кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди М.Авезов қатнашди ҳамда ўзбек тилининг истиқлол мафкурасини яратиш ва шакллантиришдаги ижтимоий сиёсий ўрни катта эканлигини уқтириб ўтди.

Диққатга сазовор жойи, маърифат дарсида ҳар ҳафтанинг пайшанба куни ички ишлар идораларида фақат давлат тилида сўзлашишга келишилди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

## ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар идораларида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг тўққиз йиллиги кенг нишонланди. Шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида байрамга бағишланиб йиғилишлар ўтказилди. Бошқарма мажлислар залида ўтказилган йиғилиш айниқса, қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Тинчлик ва осойишталик посбонлари ҳузурига Термиз Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Х. Холёров бошчилигида тилшунос олимлар ва ўқитувчилар ташриф буюришди. Йиғилишда улар ўзбек тилининг тарихи, ривожланиш босқичлари ҳамда ҳозирги кунда тил тараққиёти борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан қизиқарли маърузалар ўқишди ва йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

**С. АБДУВОҲИДОВ.**

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Оҳангарон тумани ИИБ томонидан 1998 йил 4 октябрь куни туман ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Ўш йўлининг 123-чақиримидан жасади топилган номаълум эркак кишининг шахси аниқланмоқда.

**Белгилари:** бўйи 160-163 см., Осиё миллатига мансуб, сочи калта, сийрак ва қора, юзи юмалоқдан келган, кўзи кўкиш, тишлари соғ.

**Кийимлари:** эгнига оқ синтетик матодан енги калта кўйлак, оқ майка, кўк жинси шим, оёғига оқ пайпоқ кийган.

* * *

Тошкент вилояти Янгийўл туман ИИБ томонидан Янгийўл тумани Тинчлик жамоа хўжалиги ҳудудидаги Тошкент-Термиз йўлининг 827 км. да (йўлдан 250 метр шимолда) — боғ қоровули чайласидан 12 сентябрь куни жасади топилган номаълум аёл кишининг шахси аниқланмоқда. Ёши 17-22 да, Осиё миллатига мансуб.

**Белгилари:** бўйи 160 см., озғин келган, юзи чўзинчоқ, сочлари қора ва тўғри, қошлари қора, қалин ва ўртача узунликда, кўзлари қора ва қисиқ, бурни ўртача катталикда, пучуқроқ, лаблари ўртача қалинликда ва тўғри жойлашган, қулоқлари ўртача катталикда, зирак тақиш учун тешилган.

**Кийимлари:** устида оқ шойи кофта — нақш гуллари ёқасида ва олди қисмларида қора рангли барг гулли оч кулранг юбка, оёғида сиёҳранг пайпоқ ва Хитойда ишлаб чиқарилган шиппак бор.

**Асосий белгиси:** қорнининг ўнг томонида 1,5х1,0 см келадиган доғ бор.

**Шахси аниқланаётган фуқароларни таниган ва яқиндан билганлардан Оҳангарон ва Янгийўл тумани ИИБларига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

*ДАН ҳаётидан*

## МУЛЗАМ БЎЛГАН ҲАЙДОВЧИЛАР

Жумабой Жуманиёзов ичкиликдан ўзини тиёлмайдиган «қаҳрамон»лардан. У тумандаги 96-автокорхонага тегишли «ГАЗ-52» русумли автомашина ҳайдовчиси. Жумабой яқинда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, таваккалига йўлга чиқди. Бироқ катта йўл бўйида қаршисидан ДАН ходимлари чиқиб қолди. Жумабой ДАН ходимларини алдамоқчи бўлди — умуман ичмаслиги, соғлигига тўғри келмаслиги ҳақида қасам ичди. Аммо тиббий кўрик хулосаси унинг бу баҳонасини чиппакка чиқарди.

Ҳазорасп туманидаги мактаблардан бирининг ўқитувчиси Ойбек Рўзимов ҳам кайф билан, ўзининг «ВАЗ-2106» русумли машинасида ДАН ходимларига чап бераман деб ўйлаганди. Аммо машинаси носозлиги туфайли ўз эгасига бўйсунмади. Ёшларга таълим-тарбия берувчи бу муаллим мастлигини тан олди.

«Москвич» русумли 15-53 ХЗЖ давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси Юсуфбой Ражабов туман санитария-эпидемиология станциясида шифокор бўлиб ишлайди. У меҳмондорчиликда тўйиб ичди, чунки «дўхтирни ким ҳам ушларди», деган хаёлда эди. Лекин ҳушёр ДАН ходимлари шифокорнинг машинаси «чайқалиб» келаётганини сезиб қолишди.

«Москвич-412» автомашинасини бошқариб келаётган Рамазон Жуманиёзов ДАН ходимларига ўзини туман аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси диспетчери деб таништирди. Аммо адашган экан — ДАН ходимлари қоидани бузганнинг амалига қарамас экан...

Тумандаги «Чорвадор» жамоа хўжалигига қарашли чўчқачилик фермаси ишчиси Собир Қутлимуратов маст ҳолда, ҳеч қандай ҳужжатсиз «ИЖ-Планета» русумли мотоциклни бошқариб келарди. ДАН ходимлари уни тўхтатишмоқчи бўлишди. Аммо у «қуён» бўлишга ҳозирланди. Афсуски, у мастлик оқибатида боши берк кўчага кирганини сезмай қолди. Ноилож қолган Собир ичганлигини тан олди.

ДАН ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли шу йилнинг 9 ойи давомида 230 нафардан зиёд ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилиб транспорт бошқарганлиги учун тўхтатилди.

Уларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, туман суди томонидан қилмишларига яраша жазоландилар.

Туман ИИБнинг ДАН ходимлари бундан кейин ҳам йўл-транспорти ҳодисаларининг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

**Фарҳод ХУДОЁРОВ, Ҳазорасп туман ИИБ ДАНБ маъмурий-амалиёт нозири, милиция катта лейтенанти.**

*МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ*

# МЕН ҲАМ СИЗНИНГ ДИЛБАНДИНГИЗ ЭДИМ...

Биз дунёга эгизак жуфт келдик. Синглим Зуҳра билан бир майизни ҳам бўлиб ердик. Бир-биримизни бироз кўрмасак ғалати бўлиб қолардик. Катта бўлиб турмушга чиққанидан кейин ҳам «Ҳасан сени соғиниб кетдим» деб тез-тез келар, агар келолмаса ўзим бориб кўрардим. Зуҳрадан кейин яна битта синглим бор. Оилада битта ўғилман десам ҳам бўлади, демасам ҳам. Чунки ота-онамнинг аввалги оилаларидан ўғиллари бор. Аммо уларнинг биз билан иши йўқ, ўз ҳаёти,турмуши билан овора эдилар. Дадамнинг ўғиллари — ота бир, она бошқа акаларим билан борди-келди қилмасдик. Бунга онам йўл қўймасдилар. Лекин онамнинг ўғли — она бир ота бошқа акам бизга «ака»лик қиларди. Бешинчи синфда ўқиётганимда ота-онам бир-бири билан уришиб қолиб, дадам уйдан чиқиб кетди. Аниқроғи, чиқиб кетишга мажбур бўлди. Етти-саккизинчи синфларда ўқиб-ўқимай меҳнат қилиб пул топишга тушиб кетдим. Ахир кимдир рўзғор тебратиши керак эди-да!

Эсимни танибманки, жигарларим орасида ҳурмат ила тилга олган, муомала қилган инсонни кўрмадим. Мен бу уйда гўё қулдек эдим. «Ҳасан, огородга қара! Ҳасан, бор, акангнинг узумини хомток қил! Ҳасан, синглинг помидор экармиш, экиб кел!» ва ҳоказо... Умуман, ҳамма нарсага балогардон Ҳасан эди... Армия хизматидан келганимдан кейин ҳам ҳаётим шундай давом этди. Таксопаркка ишга кирдим. Шуниси қизиқки, маошимни акам келиб оларди. Мен бир нарса демас эдим, деёлмасдим. Агар бир гапга оғиз жуфтлаб кўрай-чи, ҳар томондан мени талаб ташлар эдилар.Мушукка ўхшаб пусиб яшардим.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ишдан ташқари мардикорлик қилиб ишлаб топган пулимга яхши ният билан туфли сотиб олдим. Бировга айтсам ишонмайди, шу туфлини ўз онамдан уч марта сотиб олдим. Қачон пул керак бўлиб қолса «Олиб берган туфлимнинг пулини тўла» деб ҳамёнимни қоқиб олардилар. Лекин тўққиз ой бағрида кўтариб, бир парча эт дунёга келгач, улғайтирган инсон, онажонимни мен барибир яхши кўрардим. Ниҳоят, мени уйлантириш тараддудига тушишди. Уйларни қайта таъмирладим. Ўз қўлим билан янги уй қурдим. Афсуски, на акам, на куёвларим ёрдамга келди. Онам ҳам жигарларингга бирор кун ёрдам беринглар демади. Бахтим кулиб, Нигора исмли қизга уйландим. Қайнона-келин бир-бири билан яхши эди. Аввалига жуда ширин яшадик. Мен онамни жуда яхши кўрардим, еру кўкка ишонмас эдим. Меҳмонга, тўй-ҳашамга бормоқчи бўлсалар, ўзим олиб бориб, ўзим олиб келардим. Нима бўлди-ю синглим эридан ажралиб, уйимизга қайтиб келди. Уларнинг оиласини тиклаш учун роса уриндим, иложи бўлмади. Бу орада дадамнинг ётиб қолганини эшитиб қолдим. Бориб иккиланишига қарамай, уйимизга олиб келдим. Дадам бир ёқли бўлиб қолганди. Онам билан синглим дадамга қарашмади, ҳазар қилишди. Хотиним қайнотасини оқ ювиб, оқ таради. Аммо эвазига раҳмат ўрнига онам билан синглимдан дўқ-пўписа, ҳатто туҳматлар эшита бошлади. Лекин Нигора дадамга қарашини қўймади. Ҳаста дадам кўзида ёш билан келинини алқар, дуолар қилар эди. Бир куни дадам: «Ўғлим, сен ҳам, келин ҳам мени деб анча қийналиб кетдинглар. Акангникига олиб бориб қўйсанг, беш-ўн кундан кейин яна олиб келарсан» деди. Аввалига мен кўнмадим. Лекин ҳол-жонимга қўймай, ялина бошлаганларидан кейин ноилож рози бўлдим. Катта ўғлиникига олиб бордим, дадам йўлда ҳам, уйда ҳам тинмай дуо қилардилар. Афсуски, дадамни қайтариб олиб келиш менга насиб қилмади. Ўша куни тунда дадам оғирлашиб, нуқул: «Нигора, Нигорани чақиринглар!» деганмиш. Надоматлар бўлсинким, мени ота бир, она бошқа акаларим Нигора кимлигини билишмаган. Дадам хотинимнинг исмини айта-айта бу дунёдан кўз юмганлар...

Қайнотам кўпни кўрган, оқил, ўзига тўқ одам эди. Яширмайман, менга жуда катта ёрдам бердилар, ҳам маънавий, ҳам моддий... Буни қарангки, бу акамга ёқмабди. «Менга қайнотам ёрдам бермаган, нимага сенга қайнотанг ёрдам беради?» дейишдан ҳам тоймади. Уйимиз нотинч эди. Назаримда уйга бир портловчи мина қўйилгандек туюларди. Ниҳоят, ўша мина портлади. Онам билан синглим: «Уйни бўшат, бу уйда ҳаққинг йўқ!» дейишга ўтишди. Турган гап, мен эътироз билдирдим, муроса қилишга чақирдим. Бўлди можаро, бўлди тўпалон, ҳатто мени тутиб олиб уришгача боришди. Маҳалла-кўй, милиция аралашди, фойдаси бўлмади. Иложсиз, уйдан чиқиб кетишга тўғри келди. Улар бундан кифояланмай мени судга беришди. Суд бўлди. Ҳали-ҳали эсласам титраб кетаман. Судья: «Хола, шу йигитни ўзингиз туққанмисиз?» деди. Онам бўлсалар уялмай, титрамай: «Ҳа, бу ер ютгурни ўзим туққанман» деса бўладими? Қани энди ўша онда ер ёрилсаю, ерга кириб кетсам.

Баъзан тунлари чўчиб уйғонаман. Битта уйни деб ўз жигарларим, ўз онам шунчалик худбинликка боришганига ҳеч ишонгим келмайди. Ахир бу уй, бу мол-дунё — ҳамма-ҳаммасини бир кун барибир ташлаб кетамиз-ку!? Наҳот, шу бевафо нарсани деб, жигар ўз қондошидан юз ўгирса? Агар онам мендан шу уйни яхшиликча, оналарча сўраганида уй эмас, жонимни ҳам берардим. Раъйини қайтармасдим. Биламан,онажоним бўлиб ўтган воқеаларда фақат ижрочи эканлигини, «бошқарув» жилови акам қўлида эканини яхши биламан. Лекин на илож, бошга тушганни кўз кўрар экан. Худога шукр, ҳозир ҳаётим ёмон эмас, аммо қадимгилар айтганидек: «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман».

Мен онамни, Зуҳрани жуда соғиндим. Лекин бориб кўрай десам, очиғи, қўрқаман. Совуқ муомаладан, яна жанжал чиқишидан қўрқаман. Бир ёғи маҳалла-кўй деган гап бор... Яқинда акам қиз узатди. Тўйга мени айтмади. Ҳатто жиянларим ҳам келмади. Ахир, шу жиянларимни елкамда опичиб катта қилмаганмидим?! Қандай ҳолатга тушганимни ўзим билдим, худо билди. Хотиним бирор марта юзимга солмаган бўлса ҳам, лекин унинг олдида уяламан. Ҳали-ҳануз битта саволга жавоб тополмайман: агар синглим бахтсиз бўлган бўлса, менда нима гуноҳ? Мен ҳам бола-чақамдан ажраб, оиламни бузишим керакмиди?.. Ахир мен ҳам инсонман-ку! Менда ҳам юрак, орзу-ҳавас бор. Мен ҳам онам бағрига бош қўйгим, оналик ҳиссини тўйиб-тўйиб туйгим, ўғиллик бурчимни онам олдида адо этгим келади. Ахир, мен ҳам онам юрагининг бир парчасиман-ку!?

**Севдора ЛАТИПОВА.**



*«Bizning askarlar»*

# АСКАР ДОРИСИ

**(ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)**

— Солиябиби, нимасини айтасиз, ҳаммаси пешонада ёзилган экан-да! Бўлмаса шу ёшга кириб ўн беш чақирим нарини кўрмовдим. Поездга тушиб бундай жойларга бориш етти ухлаб тушимга кирмаганди. Рустамнинг дадаси бу ёқларга бормоқчилигимни эшитиб шунақанги кулдики, асти қўяверасиз! Соғинч ёмон нарса экан. Жигар бўлгандан кейин, жонинг кўзингга кўринмас экан. Пенсия пулимни кўрпа қатида тўплаб юргандим. Ҳеч кимга билдирмай Ойниса деган жиянимга поездга патта олдирдим, — дерди қотмагина, сочлари оқариб қолган, етмишга етса ҳам кўзлари чарақлаб турган кампир.

— Боламнинг боласи, қантак ўрикнинг донаси, Робия хола, — деди Солиябиби. — Неварангизни деб анча уриниб қобсизда!

— Айланай, — гапга тушди Робия хола чой ҳўплаб, — бунақа аравада қаёққа деса бораверардим. Иссиқ, ёруғ, каравоти ҳам Уста поччанинг қўлидан чиққан кўринади. Юмшоқлигини айтмайсизми кўрпасини?.. Раҳимача қавиган кўрпадан қолишмайди.

Солиябиби холанинг антиқа ташбеҳларидан завқланиб, кулиб қўйди.

— Отпуска олмаптими, неварангиз?

— Дадаси баҳорда келади, дегандай бўлувди. Аммо баҳор қачон келади-ю... Қишда мактабга ҳам юбормай танчадан чиқармасдим. Ишқилиб, бунақа совуқда неварагинам эшик-пешикка чиқиб шамоллаб қолмадимикин? — Робия хола хомуш тортиб, хўрсинди. — Расмини юборипти. Қараб туриб кўзимга ишонмадим: бирам тўлишиб кетиптики... Ёмон кўздан асрасин! Бутун маҳалла мақтади. Дадасининг айтишича, Рустам аълочи аскар эмиш.

Робия хола тиззасига кафтини тираб ўрнидан турди-да, бурчакдаги қопни судраб келди.

— Шунча нарсани нима қиласиз, Робия хола? Ахир армияда ейиш-ичиш, кийиниш яхши бўлса?

— Холанг ўргилсин. Рустамжоним учун атаган нарсаларимнинг ўндан бирини ҳам ололмадим шошилгандан. Фақат ялпиз, райҳоннинг туюлганини, янги сўйилган қўй думбасини, зирк илдизининг сувини, машина ёғ, пахта ёғ, исириқ, жун кўйлак, бир жуфт қийиқ...

... Эрталаб Робия хола манзилга етди. Солиябиби шоҳбекатдаги ҳарбийлар навбатчисини топиб, кампирни унга топширди. Манзилга боргунча Робия хола малласоч ҳайдовчидан неварасини сўради:

— Сен уни ростдан ҳам танийсанми? Касалмасми? Озиб кетмаганми? Қорбўрон ўйнамаяптими?

Мовий кўзлари порлаб турган йигит унинг саволларига жавоб ўрнига чиройли кулиб қўйди.

Улар узоқ юришмади. Муюлишдан ўтиб, қор уюмлари олдида тўхташди. Робия хола ердан кўзини узиб, ён-верига қаради-ю, қотиб қолди. Ўзидан сал наридаги ҳовузда қип-яланғоч ёш-ёш йигитлар копток ўйнашарди. Тушимикин деб кўзини очиб-ёпди. Йўқ, ўнги экан!

— Мана шу ерда тура туринг, — деди навбатчи зобит мулойим овозда. — Мен ҳозир неварангизни топиб келаман.

У энди қайрилиб олдинга босганди, Робия хола таниш овоздан чўчиб тушди:

— Бувижон!

Кампир талмовсираб қолди. Овоз қайси томондан келганини англолмай боши гангиб турганди, ҳовуз ўртасида бир қўлини кўтариб турган Рустамни кўриб қолди. Ранги ўчиб, товонигача зирқираб кетди.

— Вой, Рустам! Чиқ дейман, нега тушдинг ях сувга, чиқ-қ!!! Рустам сувдан чиқа солиб бувисини қучоқлай кетди.

... Шу куни уларнинг қувончига ҳамма қўшилди.

Робия хола бир даста «дори»ларини олиб Рустамнинг олдига қўйди.

— Дорилар... касал-пасал бўлсанг, ичарсан...

Рустам индамай кулиб қўйди. Эрталаб бувисини айлантириб юриб спорт майдончасига бошлаб келди.

— Мана буларни кўряпсизми? — деди у спорт анжомларига бир-бир ишора қилиб. — Биз, аскарларнинг энг яхши дориларимиз шу. Булар билан дўстлашган одамдан касаллик дегани қирқ чақирим нари қочади, бувижон!

Робия хола бир нимага тушунгандай жилмайиб қўйди.



**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

ШАҲЗОДА

# ҚАЧОН КЕЛАСИЗ,



# АЯЖОН!

**«Мен прокуратура идораларида ишлаган деярли 22 йил давомида қотилликлар, фожиали ҳодисалар ва кишиларнинг бир зумдагина сочини оқартириб, юзларига ажин тушишига олиб келган бошқа оғир ҳодисаларнинг жуда кўпига дуч келганман. Аммо яқинда содир этилган 4 ёшли мурғак Ойбекнинг фожиали ўлими ҳолати билан тўқнашганимда юрагим шу қадар ларзага келдики, бир неча кун мобайнида ўзимга келолмадим.**

**А. МАННОПОВ:**
**Хўжаобод тумани прокуратурасининг терговчиси, адлия маслаҳатчиси.**

Аяжон! Сиз опам иккимизни дугонангизнинг уйига ташлаб, дадам билан катта-катта сумкаларни кўтариб, шоша-пиша чиқиб кетганларингизда, шунчаки, иш билан кетдингизлару, ҳали замон келиб, бизни олиб кетасизлар, деб ўйладик.

Кун кеч бўлиб, қоронғу тушди. Салима холам бизни болалари билан бирга овқатлантириб, қатор солинган ўринга ётқизди ва энди ухланглар, кеч бўлди, деди. Мени уйқум келмади. Дарровоқ сизни ва дадамни соғиниб қолдим. Мен «аямга кетаман» деб йиғлай бошладим. Менга қўшилиб, Мафтуна опам ҳам ҳиқиллай бошлади. Салима холам: «Аянг, билан даданг узоққа, тижоратга кетди, сизларга кўпгина ўйинчоқ, шоколодлар олиб келади», деб бизни ухлатди.

Эрталаб турсак, ҳалиям келмабсизлар. Яна йиғлагандим, холам уришиб берди, «Биз ишга шошяпмиз, манави дардисарларни тинчит» деб ўғилларига топширишди-ю кетишди.

Шу тариқа кунлар ўтди. Сизларни кута-кута Салима холамга ва болаларига анча ўрганиб қолдик.

Кунлар анча совиб қолди. Дарахтларнинг барги тўкилиб бўлай деди. Бир куни ёнғоқ дарахтига чиқиб, баланд шоҳида қолган мевасини олмоқчи бўлдим. Егим келганди-да. Дарахт сирпанчиқ экан, анча баланддан йиқилиб тушдим. Аяжон, ерга шунақанги жиқиллаб тушдимки... Бошим ёрилиб, белим узилиб кетди деб анча ётдим. Охири Мафтуна опамнинг кўмагида туриб ўтирдим, сизларни чақириб роса йиғладим. Сизлар эса эшитмадинглар ҳам.

Шундан кейин бошим, белим оғрийверди. Кўнглим айниб, қорним очса ҳам овқат егим келмай қолди. Салима холам ва амаким ишга, ўғиллари ўқишга кетарди. Ҳовлида Мафтуна опам иккимиз қолиб, то улар келгунларича роса йиғлардик. Бошим, белим оғрияпти деб мен йиғласам, Мафтуна опам ҳам қўшилар, чунки у мендан атиги бир ёш катта, эндигина бешга кирганди-да. Салима холам ишдан бўш пайтларда: «Даданг билан аянг Россияда савдо-сотиқ қилиб роса пул, мол-дунё орттиряпти, ҳали қараб тур, сизларга зўр нарсалар олиб келади,» деб овутмоқчи бўлар, энди унинг бу гаплари ҳам менга ёқмай қолган - ахир ҳамма ерим оғрирдида. Менга сиздан, дадамдан бўлак бойлик керакмасди, аяжон! Мен зирқираб, лўқиллаб оғриётган бошимни кўксингизга қўйсам, белимга қўл теккизиб, силаб қўйсангиз, тузалиб кетишимга ишонардим. Сизлар эса гўё бизнинг бу дунёда борлигимизни ҳам унутгандай, қўшни хола айтмоқчи «пулнинг кетидан қувиб» кетгандинглар.

Айтишларича, декабрь ойи - қиш фасли бошланибди. Кун совуқ. Биз яшаб турган оилада газ йўқ, анча қийналдик.

Бир куни изғирин совуқ, қуёш заифгина нур сочиб турганди. Хайрулла амаким «ке, бир чўмилтириб, юз-кўзингни ювиб қўяй» деди ва тоғорага сув тўлдириб, мени ўтқазди. Бошимдан сув қуйиб, энди бош-кўзимга совун суркагандики, электр чироғини текшириб монтёрлар келиб қолишди.

Хайрулла амаким «ўтириб тур» деганича, улар билан гапга тушиб кетишди. Тоғорада ўтираверив, совқотиб, совундан кўзларим ачишиб кетди. Ўрнимдан туриб, тоғорадан чиқмоқчи бўлдим. Оёғим сирпаниб, асфальтга бошим билан йиқилиб, ҳушимдан кетдим...

Монтёрларни кузатиб қайтган Хайрулла амаким мени ерда ҳушсиз ётганимни кўриб, қўрқиб кетди. У югуриб қўшниникига чиқиб, воқеани айтди. Улар нима гап-сўзлигини бир-бирига тушунтиргунга қадар мен кўкариб, ерда ётавердим. Қўшнилар мени кўтариб олишди. «Амбулатория» деган жойдан оқ халатли опаларни чақиришди. Улар 15-фельдшерлик-акушерлик пункти ҳамшираси Дилафрўз ва шифокор Мавлуда опалар экан. Бу опалар оналар кўз ёргунча назорат қилишни биларкану, мени даволашни билишмас экан. Ахир улар пиёз қирқиб, ҳидлатиб, латта ҳўллаб шишган жойимга босиб (ўзим совуққа қотиб қолганман-ку), пенициллин укол қилиб ўтиргандан дарров шифохонага олиб боринглар, дейишса бўларди-ку? !

Мен сал ўзимга келиб, кўзимни очдим. Дўхтир опаларим «тушлик қилишимиз керак» деб кетиб қолишди. Шу куни қўшни холаникида ётдим. Эртасига сизнинг синглингиз — Муборак холам мени олиб кетди. Сўнгра кўтариб, Мавлуда опамларнинг амбулаториясига олиб борди. Улар менга яна пенициллин укол қилиб, сандалда куйиб қолган оёғимни боғлаб қўйишди. Мен қайта-қайта бошим оғрияпти, қусгим келяпти деб йиғласам ҳам менга ҳем ким қулоқ солмади, ёрдам бермади. Мен шифокор опаларим «қани Ойбекжон, нимага бошинг оғриб, кўнглинг айнияпти?» деб сўрашса, йиқилганларимни айтиб бермоқчи эдим. Улар эса...

Орқамиздан Салима холам келиб, мени яна уйига олиб кетди..

Салима холам, «Ойбекжон, бирпас ётиб тургин, мен қўшниникига бирров кириб чиқай», деди-ю...

Менинг бошимдаги, баданимдаги оғриқ чидаб бўлмас даражага етди. Мен жон-жаҳдим билан «аяжон, дадажон, ёрдам беринг» деб бақиргим келарди-ю, оғриқдан овозим хириллаб чиқарди, холос. Яна ҳушимдан кетдим...

... Улар мени тракторда касалхонага элтдилар. Қушдек енгил, этим суягимга ёпишган танамни кўрган шифокорлар ҳайратда қолишди.

— Бола ўлик-ку? — деди улардан бири, — бу ерга боланинг жасадини олиб келибсизлар.

— Ҳеч-да, — дейишди Салима холам билан Хайрулла амаким баробар. — Ойбек ўйнаб юриб, ҳушидан кетиб қолди-ю, олиб келдик, нега ўларкан?

Лекин мен ўшанда, авайлаб кўтариб, трактор кабинасига олиб чиқишгандаёқ барча азобу-оғриқлардан халос бўлган, жисмим титраётган Салима холамнинг қўлида қолиб, руҳим чирқираганича улар билан ёнма-ён учиб бораётган капалакка айланиб, қиш совуғида дилдираб, сизнинг, дадамнинг иссиқ бағрингизни қидириб кетгандим, аяжон!

... Қоқ суякка айланган танамни, битта амаки йиғлаб, йиғлаб ювди. У менинг қовурғаларим саналиб турган танамни ювиб артар экан, дув-дув кўз ёш тўкиб, дадам ҳақида, сиз ҳақингизда нималардир деди. Унинг қўллари худди дадамнинг қўлларидек катта, сизнинг қўлларингиздек юмшоқ экан. Худди сиз мени силаб-сийпаётгандек, танам бирам ҳузур қилди.

Лекин... танамга ёқаси, енги йўқ оппоқ матони кўйлак мисол кийдирдилар. Бу кийимларни сиз ҳам, дадам ҳам кўрмадингиз. Ҳамма йиғилганлар «наҳот фарзандининг ҳолини сўраб хат-хабар қилмаса, наҳот фарзандининг аҳволи, тушларига кирмаса, боласини бегоналар тупроққа топширса-ю, ота-онаси пул дардида юраверса» деб йиғладилар. Шунда мен ҳам «тушингизга кирмадимми, аяжон», деб йиғламоқчи бўлдим, йиғламадим нимагадир.

Қабристонда кичкинагина янги тепача пайдо бўлди. Мен ўша сиз ва дадам «тижорат» қилаётган шаҳарга сизларни қидириб борай дедиму... Мана, янги тепача атрофида гоҳ қўниб, гоҳ учиб, совуқдан қақшаб, дилдираб юрибман. Аяжон, дадажон, сизларни бир кўрсайдим, кейин пага-пага ёғаётган оппоқ қордан кўйлак кийиб, ерга сингиб кетардим... «Тижорат»дан қачон келасиз, аяжон, дадажон? !

## «ҚЎРИҚЛАШ» БИРЛАШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Андижон шаҳар 1-кичик даҳасида яшовчи О.Т. муқаддам судланиб, жазосини озодликдан маҳрум этиш муассасаларида ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади. У, ожиза А.С.нинг уйида ҳеч ким йўқлигини билгач, хонадонга сурбетларча кириб, у ердан «ДЭУ» русумли телевизор, видеомагнитофон ва мусиқа марказини ўғирлаб жуфтакни ростлайди. «Тозалаш» тадбирида қатнашаётган шаҳар ҚБ милиционери К.Қодиров ва ИИБ ходимлари нафси ҳакалак отган О.Т.ни қилмишига сўнгги нуқта қўйишди.

* * *

«НАВОИЙАЗОТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўриқловчи милиция бўлими бўлинма сардори М.Аъзамов хизмат вазифасини ўтаётиб, Бирлашма ишчиси Э.Б. бошқарувидаги «АЗЛК» русумли автомашинадан шубҳаланиб тўхтатди. Шубҳа бежиз эмас экан. Автомашина ичига жойлаштирилган 5та 20 литрли, битта 40 литрли ва 10 литрли идишларга солярка ёқилғиси тўлдирилганлиги аниқланди.

Ўғирлик билан 4290 сўмлик ёқилғи маҳсулотини Бирлашмадан ҳуфёна олиб чиқиб кетмоқчи бўлган Э.Б.га нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

* * *

Фарғона момиқ ишлаб чиқариш фабрикаси ишчиси М.И., Ю.Т. билан жиноий тил бириктирган ҳолда фабрикадан 200 килограмм ипни ўғирлаб кетишга аҳд қилишди. Бироқ Фарғона вилояти ИИБ қошидаги «Қўриқлаш» бўлими ходимлари бу шоввозларни ўз вақтида қўлга олишди ва 48.800 сўмлик моддий-товар бойлик давлатга қайтарилди.

Шундай воқеа Фарғона тўқимачилик комбинатида ҳам содир бўлди. Ҳеч ким билмайди, кўрмайди деб ўйлаган Б.Б. ҳамёнини қаппайтириш мақсадида жамоанинг мулкига хиёнат қилди. Фабрикадан 132м. «Ойдин» ва 288 м. бўз матоларини ўғирлаб олиб чиқиб кетаётган баднафсни зийрак ҚБ ходимлари йўлини тўсишди.

**Р.ТУРҒУНОВ,**
**милиция катта лейтенанти.**

# ЗАҲАР СОЛМОҚ ЭДИ ИШИ...

Аранг 8-синфни битирган Муҳаммаджон Бердиқулов ўқишини давом эттирмади, бирон фойдали меҳнат кетидан ҳам тушмади, Паркент туманидаги Боғбон кўчасини чангитиб юраверди.

Бекорчидан эл безор деганларидек 17 ёшли бу ўсмир қатор жиноятлари устида ушланиб, Паркент туман суди ҳайъатининг ҳукмига кўра 3 йилга қамаладиган бўлди.

Бироқ ёшлиги инобатга олиниб, бу жазо мажбурий хизматга алмаштирилди. Афсуски, ўсмир бундан ўзига яраша тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига, яна ўғриликка қўл уриб, 2 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Муҳаммаджон ўғриликнинг сир-синоатини, баланд-пастини ўрганиб, энди у нафақат Паркентдан, балки, Чирчиқ шаҳридан ҳам танишлар орттирди. Бир куни ҳамтовоқлари Х. Эргашев, И. Фазлиддиновни олиб Бўстонлиқ туманидаги Гужол қишлоғига борди. Х. Моносовнинг отхонасига кириб, отини етаклаб чиқишаётганда эгаси дуч келиб қолди-ю... М. Бердиқулов ва И. Фазлиддиновлар қочиб қутилишди. Аммо Х. Эргашев қўлга тушди.

Муҳаммаджон машинасига ўтирибоқ ўт олдирди-да, қайрилиб орқасига қаради. Ҳансираб етиб келган И. Фазлиддинов ўзини ўриндиққа ташлади-да, сўради:

— Энди нима қиламиз?

— Буниси бўлмаса, бошқаси бор, — деди Муҳаммаджон ва қўшни маҳаллада машинасини йўл четида тўхтатди. Машинадан тушишиб, С. Исроиловнинг отхонасига киришди. Икковлари биттадан отни етаклаб анча наридаги мачит панасига ўтиб сўйишди. Улар сўйилган отларни машинага юклаб, олиб кетишга шошардилар. Бироқ иш охирлашига озгина қолганида одамлар гурунги эшитилди. Чўчиб кетган ўғрилар машинага ўтириб жуфтакни ростладилар.

* * *

Муҳаммаджон Чирчиқ шаҳрида Маҳмуд деб танилганди. Унинг таниши бир куни ўртоғи Валентинага ёрилиб:

— Ўртоқжон, Маҳмуд исмли бўйдоқ йигит бор. Ўша йигитга квартира керак, қўймайсанми? — сўради.

— Бир ўзинимми?

— Ҳа, бир ўзини.

— Майли, қўяман. Отамнинг уйи бўш ётипти-ку, - деди Валентина. Унинг Николай исмли ўғли бўлиб, заводда ишларди. Валя Маҳмудни отасининг уйига киритиб, икки ёрти-бир бутун дея биргаликда яшай бошлашди.

Лекин Маҳмуднинг пичоқ тақиб юриши уни чўчитарди. Айниқса, у кунги гапидан сўнг қўрқиб қолганди. Ўшанда Маҳмуд намойишкорона пичоғини ўйнатиб туриб: «Шу пичоқ билан олдин сени, кейин яна бир кишини, сўнгра ўзимни шартта сўйиб ўлдираман», деганди.

Маҳмуд таниши Абдулла билан кўчага чиқиб кетган, Валя эса янги йилни кутиб олиш учун тайёргарлик кўриш билан овора эди.

Маҳмуд билан Абдулла Марказий универмаг олдига боришди. Ёнларидан визиллаб машина ўтди. «ВАЗ-2106» машина ҳайдовчиси чол киши экан. У машинасини гаражига олиб кирганича чиқавермасди.

— Қани, машинага, кетдик, — деди Маҳмуд шеригига чол томон ишора қилиб.

Унинг қора ниятини тушунган шериги:

— Кетдикни бас қил, керакмас, - деди.

Маҳмуд қайсарлик қилиб гаражга бир ўзи кирди. У чолнинг тумшуғига қаттиқ зарба бериб, тепкилаб ташлади. Машинани ташқарига олиб чиқиб, гаражни қулфлади, сўнгра йўлакдаги Абдуллани ўтказиб, йўлга тушди.

Юзи, бошидан қаттиқ жароҳатланган И. Писаревский эса касалхонада вафот этди.

* * *

... «Маҳмуд ўша куни тўйиб ароқ ичди. Сўнгра Сверлова кўчасида яшовчи Х. Маҳмудова хонадонининг эшигини бузиб кириб, 240 АҚШ доллари, тилла буюм ва тақинчоқларни ўмариб, хонадон эгасига 117 минг 540 сўмли зиён етказиб ғойиб бўлди.

* * *

Орадан икки ҳафта ўтди. Тунги соат 3.00. Маҳмуд Чирчиқ шаҳридаги дўкон эшигини қўпорди ва 2400 сўмлик плиткали шоколад ҳамда банкали пивони орқалаб кетди.

У уйга кириб келганда Николай ухлаб қолганди.

— Хой, Коля, қани тур, — дея уйғотди Маҳмуд. — Қани бўл, озиқ-овқат олиб келамиз.

Икковлашиб бориб, дўкондан 70 минг 480 сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечакни ўмариб келдилар. Сўнгра роса кайфу сафо қилдилар.

Ўғриликлари эвазига бойиб қолган Маҳмуд хурсанд эди. «Шунча ишдан кейин бир мириқиб дам олайлик», — деди. Бироқ Валя билан бир ёстиққа бош қўйган ҳамон эшик тақиллади. Сўнгра, яна қаттиқроқ. Маҳмуд — Муҳаммаджон кўрпа остидан чиқиб, дераза олдига борди. Шу пайт-қаттиқ тепкидан эшик қаноти ланг очилиб, милиция ходимлари пайдо бўлишди. Муҳаммаджон тезликда Валянинг сочидан ушлади-да, томоғига пичоқ қадаб, деди:

— Тўхтанг, яқинлашманг! Акс ҳолда бу аёлни бўғизлаб ташлайман! Мени қочириб юборсангизгина бу аёл тирик қолади!

Унинг гапи тугар-тугамас милиция ходимларидан бири бир сакрашда Валяни тортиб олди. Буни кўрган Муҳаммаджон пичоғини ўзига санчиб йиқилди. Лекин ўлмади.

Мана, у шериклари билан қора курсида бош эгиб ўтирибди. Жабрдийдалар кўзига қаролмайди, қилмишларидан пушаймон. Қора қилмишларини ичкилик билан боғлаб: «Маст эдим», «Мастликда қилибман», «Эсимда йўқ», каби жавобларни айтади.

Вилоят судининг судьяси Манзура Жалилова раислигидаги суд ҳайъати ҳукмига кўра, Муҳаммаджон Бердиқулов 20 йил, Абдулла Нурмуҳамедов 8 йил, Николай Жабборов 13 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

*Холмамат* **МЎЙДИНОВ.**

# ЕТТИ БОСҚИНЧИ

Тун. Бутун борлиқ уйқуда. Фақатгина аҳёнаҳёнда итларнинг овози тунги сукунатни бузади. Улар режага асосан иш юритишарди. Манзилга яқинлашгач, атрофни синчковлик билан яна бир бор кузатишди ва бирин-кетин девордан ошиб, ҳовлига тушишди.

Хонадон соҳиблари ширин уйқуда эдилар.

Уларнинг нияти уйга кириш ва хонадон соҳибларини қўрқитиб, қимматбаҳо буюмларини олиб кетиш эди. Босқинчилар гўё бу ҳовлини аввалдан билишгандек мўлжални аниқ олишарди. Эшикни болта билан синдиришиб, ичкарига киришди. Хоналардан бирида Назокат (исмлар ўзгартириб берилмоқда) опа қизлари билан ширин тушлар оғушида бемалол ором олишарди. Аёл қаттиқ турткидан сесканиб уйғонди. Хонада юзларига ниқоб кийиб, қуролланган кишилар туришарди. Қўрқувдан дир-дир титраган Назокат опа уларга ялина бошлади. Номаълум шахслар унга тан жароҳати етказиб, пул ва қимматбаҳо буюмларини топиб беришини талаб қилишди. Назокат опа қаршилик кўрсатмоқчи эди:

— Агар пул ва тилло буюмларингни топиб бермасанг мана бу қизчангни бўғиб ўлдирамиз, — дейишди, ҳеч нарсадан тап тортмай.

Онанинг бутун вужуди музлаб, кўз олди қоронғулашди. Нималар бўлаётганини тушуниб етмасди. Кўзининг қораси, умрининг давомчиси - қизчасини ўлдиришса, она учун бу дунёни нима кераги бор. Бир зумда хаёлида кечган бу фикр онани сергаклантирди. Неча йиллаб яхши кунлари учун йиққан буюмларининг қаерда эканлигини босқинчиларга айтмай иложи қолмади...

Босқинчилар бисот билан эшикдан чиқар эканлар:

— Агар милицияга хабар қилсаларинг ўзларингдан кўринглар, — дея пўписа қилишди.

Назокат опа саросимада қолди. Нима қилиш керак? Туман ички ишлар бўлимига хабар қилса-чи? Балки улар яна қайтиб келиб.. Бу ёғини ўйлашга опада мадор етмади. Опа икки ўт орасида қолганди.

Воқеадан хабар топган қўшнилар эрталаб опанинг уйига кўнгил сўраб киришди. Қўрқувдан юзлари докадек оқариб кетган Назокат опа тунги воқеаларни зўрға уларга айтиб берди:

— Назокат, — деди қўшнилардан бири. — Тезда милицияга хабар қил. Улар босқинчиларни топишади,.

Назокат опа иккиланиб, бироз шубҳа билан туман ички ишлар бўлимига кириб келди.

Бўлим бошлиғи милиция полковниги Амриддин Ражабов бошлиқ тезкор гуруҳ аъзолари воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Атроф синчиклаб ўрганилди ва вилоят ИИБга хабар қилинди. Вилоят ички ишлар бошқармасининг ЖҚБ ходимлари ва Булунғур тумани ИИБ ходимлари ҳамкорлигида тезкор тергов гуруҳи тузилди ва жиноятчиларни қидириш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки иш қўшни вилоятларга махсус хабарнома юбориш билан бошланди.

... Тун қоронғусини ёриб тонг отмоқда эди. Шунча буюмлар билан узоққа бориб бўлмасди. Шунинг учун босқинчилар ўмарилган нарсаларни Булунғур шаҳридаги «Биродарлик» қабристонига яширишди. Чунки, қабристон энг тинч жой. Яна бир томони, ҳеч ким бу ердан гумонсирамайди. Босқинчилар пул ва тилло буюмларни яшириб бўлишгач, ҳеч нарса бўлмагандай уй-уйларига тарқалишди.

13 сентябрь куни кечаси босқинчилардан бир нечтаси яна қабристонга келишди ва ўмарилган ўлжани олиб, йўлга тушишди. Бироқ Жиззах шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан қўйилган тузоққа илиндилар.

Жиноятни содир этишда гумондорлар қўлга туширилгач, дастлабки тергов давомидаёқ улар етти кишидан иборат эканлиги маълум бўлди. Жиноятчиликда гумондорлардан бир дона қирқма милтиқ ва бир дона газ тўппончаси, 17 дона жанговар ўқ ва пичоқлар, жабрланувчига тегишли кийим-кечак ва тилло буюмлар далилий ашё сифатида олинди. Энг ачинарлиси шундаки, жиноятчиликда гумондорлардан бири шу хонадон фарзандининг яқин дўсти эди. У бундан бир неча кун аввал ушбу хонадонга келиб, меҳмон бўлган...

**Улуғбек ҚОДИРОВ,**
**милиция капитани,**
**Мамадали ЖАЛИЛ,**
**журналист.**

## *Нақлиёт ИИБ хабарлари*

### ТЕЗДА БОЙИМОҚЧИ БЎЛГАН СКОРОБОГАТОВ

халқимизнинг «Ўғри ҳеч қачон бойимайди» деган ажойиб нақлидан хабардор бўлганида фамилияси мазмунига қараб иш тутмаган бўларди.

Дарвоқе,Ховос бекати тармоқ ички ишлар бўлимига Сирдарё бекати корхонасидан хат келиб, унда 18 сентябрь куни шу бекатда турган вагонлардан нархи 20 минг сўм бўлган 9 дона эҳтиёт қисмларининг ўғирланганлиги қайд этилган эди. Тезкор тадбирлардан сўнг ўғирлаган кишининг кимлиги маълум бўлди. Бирпасда бойишни ният қилган Самара вилоятининг Сергеев тумани Калиновка қишлоғида туғилган Д.В. Скоробогатов ўз айбини бўйнига олгани тўғрисида тегишли маълумот олинди.

### ХУРСАНОВНИНГ ХУРСАНДЛИГИГА...

Бухорода чек қўйилди. Чунки у ҳам юқорида номи зикр этилган шериги сингари тез бойишни орзу қилганди. Самарқанд шаҳрининг Сиёб тумани-да яшовчи 23 ёшли бу йигит чўнтагига «героин»дан бир чимдимини жойлади, «Душанбе -Волгоград» поездига ўтириб сафарга жўнади. Бироқ бухоролик ички ишлар ходимлари тўсатдан унинг қаршисида пайдо бўлишди «Ҳужжатингизни кўрсак бўладими? «,деган саволнинг ўзиданоқ героин кўтарган «герой»нинг қаҳрамонлигидан асар ҳам қолмади. Бу ҳолни пайқаган ички ишлар ходимлари уни батафсилроқ текшириб кўришиб, унинг ёнидан 12,3 гр героин моддасига ўхшаш гиёҳванд моддани топиб олишди.

### ТЕПЛОВНИ ТЕПЛОВОЗ...

уриб юборгач, тепловозчи Ким анча сарсон бўлди. «Сариёғоч-Келес» бекатлари оралиғида содир бўлган бу воқеани ҳайдовчи ўз билганича тушунтирди. Бироқ тиббий кўрикда Тепловнинг «юз грамм»дан бир нечта култум ютиб олиб, «иссиққина» бўлиб юргани, ва яна тентираб келиб ўзи тепловозга урилиб кетгани аён бўлгач, Кимни «ким-кимлар» чақираверишига чек қўйилди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**милиция катта лейтенанти.**

# КРИПТОГРАММА

Очкич: 1. Буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга бағишланган асосий тантаналар бўлиб ўтадиган шаҳар — 12, 2, 22, 2, 5, 21, 2, 6, 10.

2. Ал-Бухорий ҳадис илмини ўрганиш мақсадида бўлган Ироқдаги тарихий шаҳар — 18, 15, 23, 2.

3. Савоб, эзгулик учун бериладиган ҳадя — 24, 20, 12, 9, 6.

4. Қадимда Иордания, Ливия ва Сурия мамлакатларига берилган, ҳозирда Дамашқ деб юритилувчи ном — 25, 9, 22.

5. Муҳаддис Имом Муслим ибн Ҳажжож Ал-Бухорийга берган таърифидан:

«Ҳасад қилувчилардан бўлак ҳеч ким Сизни таъна қилолмайди. Дунёда сизга етадиган муҳаддис йўқлигига 13, 15, 11, 9, 20, 3, 1, 18 берамен».

6. Буюк муҳаддис кўплаб устозлардан таълим олган Эрондаги Нишопур шаҳрининг ўрта асрлардаги номи — 6, 2, 4, 12, 2, 16, 15, 5.

7. Ўрта асрларда илм-фан марказларидан ҳисобланган тарихий шаҳар — 16, 2, 19, 10, 9, 10.

8. Ислом динидаги асосий фарзлардан бири — 7, 12, 18, 9, 8.

9. Яратганга иймон келтирган киши — 22, 17, 22, 1, 6.

10. Имом ал-Бухорийнинг руҳи-поклари зиёрат қилинадиган маскан — 14, 2, 5, 8, 2, 6, 13.

Энди жавоб сўзлар асосида шаклдаги криптограммани ҳал этинг. Ундан «Имом Ал-Бухорий таърифи» рисоласидан муҳаддислар султони ҳақидаги ибратли сўзлар аён бўлади.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**




## Газетамизнинг аввалги сонида чоп этилган ТОПШИРИҚЛИ СУПЕРЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Адабиёт. 2. «Тановар». 3. Рефрактор. 4. Раъногул. 5. Ландау. 6. Улоқ. 7. Қасида. 8. Антрацит. 9. Табриз. 10. Зарб. 11. «Баҳористон». 12. Наргис. 13. Самбо. 14. Оҳорлаш. 15. Шабнам. 16. Мойбўёқ. 17. Қушиқ. 18. Қисса. 19. Агрегат. 20. Туякуш. 21. Шарқ. 22. Қовоқ. 23. Қаюмов. 24. Вилоят. 25. Тоблаш. 26. Шамшод. 27. Деҳли. 28. Индуктор. 29. Розмарин. 30. Нилуфар. 31. Радиатор. 32. Рабинжон. 33. Нурота. 34. Абжад. 35. Драматург. 36. Гумбаз. 37. Зигир. 38. Ражабий. 39. Йигириш. 40. Шинни. 41. Иффат. 42. Телескоп. 43. Пирамида. 44. Анзоб. 45. Барнаул. 46. Люксембург. 47. Гонолулу. 48. Ухта. 49. Ассом. 50. Мусаддас. 51. Саллох. 52. Хўтан. 53. Ниначи. 54. Индонезия. 55. «Янгиер». 56. Резус. 57. Сўзлик. 58. Камчатка. 59. Азот. 60. Талас. 61. Сомали. 62. Изғирин. 63. Ниқоб. 64. Баззоз. 65. Завод. 66. Дарвоза. 67. Арбитраж. 68. Жамшид. 69. Дутор. 70. «Риал». 71. Лейтенант. 72. «Татра». 73. Акита. 74. Ангара. 75. Атакама. 76. Аттестат. 77. Тромб. 78. Ботмон. 79. Нўхатшўрак. 80. Кон. 81. Нерпа. 82. Айният. 83. Теорема. 84. Апиа. 85. Аккорд. 86. «Дамас». 87. Спидометр. 88. «Рустам». 89. Майна. 90. Адрас. 91. Сифат. 92. Талаба. 93. Адан. 94. «Наштар». 95. Риони. 96. Идора. 97. Аргон. 98. Новшадил. 99. Локомотив. 100. Вазира.

**Ҳикмат:**
**Адаб билан инсон иззат топади,**
**Обрўю, шарафу хизмат топади.**
**Адаб соҳиби-ла сўзлашган киши,**
**Руҳига дармону лаззат топади.**

# ХАНДАЛАР

Шифокор бемори билан телефонда гаплашмоқда.

Шифокор: «Мен жуда афсусдаман... Лекин мен сизга битта ёмон хабар ва яна битта жуда ёмон хабар айтишим зарур.»

Бемор: «Шунақами... майли айтинг».

Шифокор: «Лабораториядан сизнинг анализингизга жавоб келди... Биласизми, бир кундан кейин сизнинг ҳаётингиз тугайди.»

Бемор (ваҳимада): «Дўхтир, бундан бошқа яна қандай ёмон хабар бўлиши мумкин???»

Шифокор: «Бу хабарни мен сизга кечадан буён айта олмаяпман...»

***

Она бола сайрда. Она скамейкада пайпоқ тўқияпти, болакай эса велосипедда учяпти. Онасининг ёнидан ўтаётган ўғилча шодон қичқирди:

— Ойижон, мен қўлсиз ҳайдаяпман!

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, ўғил яна пайдо бўлди.

— Ой, ойижон, мен тишсиз кетяпман!

***

Цюрих банкига «янги рус» кириб келди.

— Қанча суммага ҳисоб очмоқчисиз? — қизиқди банкир.

«Янги рус» эгилиб унинг қулоғига шипшиди:

— Уч миллион доллар.

— Сиз бемалол баланд овозда гапиравершингиз мумкин, жаноб. Швейцарияда камбағаллик айб эмас.

***

Хотин эрини секин уйғотяпти:

— Дадаси, урнингиздан тура оласизми?

— Нима, яна..?

— Ишга борадиган вақт бўлди.

— Хайрият-е!



*Соҳамиз маликаси.*

*Тест*

# ЖАҲЛ КЕЛСА АҚЛ ҚОЧАР...

Жаҳлдорлик табиатимизда учраб турадиган ва баъзан яқин кишиларимизни ранжитиб қўйишга олиб келадиган одатдир. Агар бу қусур ҳаётингизда қандай ўрин тутишини билмоқчи бўлсангиз, қуйида тақдим этилаётган тест саволларига жавоб қайтаринг. Тўпланган балларга қараб ўзингизни, аниқроғи, асабларингизни текшириб қўриш имкониятига эга бўласиз.

1. Сиз сабр-қаноатлимисиз?
ҳа йўқ

2. Мантиқ ҳаётда етакчи куч эканлигига ишонасизми?
ҳа йўқ

3. Агар кимдандир норози бўлсангиз жанжал қилишдан ўзингизни тия оласизми?
ҳа йўқ

4. Теварак-атрофдагиларнинг қайсидир фазилатингизга ҳаваси келаяпти, деб ҳисоблайсизми?
ҳа йўқ

5. Одамларга ёмонлик қилишга мойилмисиз?
ҳа йўқ

6. Вазият тақозо этганда қўполлик қиласизми?
ҳа йўқ

7. Детектив китоблар ўқишни, жангари ва даҳшатли фильмларни томоша қилишни ёқтирасизми?
ҳа йўқ

8. Бировларни камситиш, улар устидан кулишни одатингиз бор деб ўйлайсизми?
ҳа йўқ

9. Ҳаётда сиз умуман ёқтирмайдиган киши борми?
ҳа йўқ

10. Теварак-атрофдагилар учун ёқимсиз бўлиб бораётганингизни ҳис этасизми?
ҳа йўқ

11. Болаларни қилган айби учун тез-тез жазолаб турасизми?
ҳа йўқ

12. Қасд қилиш одатингиз борми?
ҳа йўқ

13. Бирор буюмни жаҳл билан уриб синдириш даражасида ғазабга тушасизми?
ҳа йўқ

Энди тўпланган балларни ҳисоблаб чиқинг. Ҳар бир «ҳа» жавоби 5 очко, «йўқ» эса 0 очко билан баҳоланади.

**65-25 балл:**

Демак теварак-атрофдагиларга нисбатан тажовузкор, жаҳлдорсиз ва ўз устингизда назоратни йўқотгансиз. Сиз билдирган фикр-мулоҳазалар вақти келганда ўзгаларни ранжитишингиз мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ҳақиқатни одамларга етказа олмаслигингиз жоҳиллигингиздан далолат беришини тасаввур ҳам этмайсиз. Танишлар ва яқинларингиз билан овозингизни баланд кўтариб, менсимай гаплашаётганингиз уларда сизга нисбатан салбий фикрларни юзага келтиришини бир ўйлаб кўринг. Балки табиатингиздаги бу қусурдан ўзингизда кулги, ҳазил-мутойибага мойиллик туғилган ҳолда халос бўлишга муваффақ бўларсиз.

**24-0 балл:**

Демак сиз софдил ва теварак-атрофдагиларга меҳрибон одамлар тоифасига мансубсиз. Инсонлардаги ижобий фазилатларни қадрлаб, жамият тараққиётида муҳим бўлган маънавий бойлик, севги, ҳақиқатга ишонасиз. Тўғри, сизга мақсад йўлида бажарилаётган ишга ўзгаларни осонликча жалб этиш хислати берилмаган. Ўз эҳтиросларингизни жиловлай олишингиз теварак-атрофдагилар хоҳишига тез бўйсунишингизга олиб келади. Шу боис, кўп ҳолларда бировлар жаҳлдорлигининг нишони бўлиб қоласиз. Елкангизга миниб олишларига асло йўл қўйманг!

